Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

29 июль 1972 йил, шанба ◆ № 176 (15.347). ◆ Баҳоси 2 тийин.

СССР 50 ЙИЛ

ЮБИЛЕЙГА МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

ҒЎЗАЛАР КУНДА ЯШНАМОҚДА

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

ТАЖРИБАЛИ ПАХТАКОРЛАР ДАЛАСИДА

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Қорақалпоғистон АССР. Тажрибали механизатор Қозоқ Камолов Амударё районидаги Крупская номли колхознинг комплекс механизацияланган пахтачилик бригадасига бошчилик қилади. У бошлиқ бригада коллективи 134 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан хирмон кўтариш ва ялпи ҳосилнинг 85 процентини машиналарда териб олишга аҳд қилган. Суратда: бригада бошлиғи Қ. Камолов ўз агрегати олдида.

Р. Саидов фотоси.

КОММУНИСТ ИБРАТИ

Андижон машинасозлик заводининг меҳнат аҳли тажрибали, отахон ишчи Василий Иванович Тимохин номини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. Василий Иванович корхонада йигирма йилдан бери баракали меҳнат қилиб келяпти. У ишчи номини ҳамиша, ҳар ишда, ҳар ерда улуғлаб, унга гард ҳам юқтирмай, коллектив ишига муносиб улуш қўшмоқда: тайёрлаган маҳсулоти аъло сифатли, «техника назорати — ишчининг виждони» деган ҳикматли сўз Тимохин учун кундалик иш программаси бўлиб колган. Коммунист ишчи сиёсий мактаб, сўнгра марксизм-ленинизм кечки университетини тамомлаб чиққан. У коллективдаги партия ташкилати олдидаги масъулиятини чуқур ҳис этади. Малақаси ва билимини кун сайин ошириб боради. Пешқадам ишчи жамоат ишларида актив қатнашмоқда. Нозик касб эгаси — созловчини ишчилар ўртасида агитаторлик қилаётганида, партия ва жамоат ташкилотлари тузган комиссияларнинг ишида қатнашаётганида учратиш мумкин. Ўртоқ Тимохин Узбекистон Коммунистик партиясининг XVIII съездида Марказий Комитет аъзоси қилиб сайланди.

Заводда Василий Иванович сингари ишчилар кўп. Мана, Аъзам Нуриддиновни олайлик. У кўп йилларидан буён заводда жон куйдириб ишлайди. Бир кун шундай воқеа содир бўлди: қўшни участкада дизель қисмларни йиғиш муттасил оқсаб келарди. Шунда коммунист Аъзам Нуриддинов ана шу қолоқ участкага ўтказишларини сўраб, ариза берди. Унинг илтимоси қондирилди. Коммунист А. Нуриддинов у ерда шахсий намуна кўрсатиб ишлаб, ишчиларни масъулиятни чуқур ҳис этиш руҳида тарбиялади, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга муваффақ бўлди. Натижада бу участкада ҳам ишлар юришиб кетди.

Республикамиз халқ хўжалиги, фан ва маданияти жабҳаларида ишлаётган минг-минглаб коммунистлар ҳамкасбларига, коллективга ўз бурчларини садоқат билан ўташда, жамоат юмушларини бажаришда, халқ-атворда ибрат ва намуна бўлмоқдалар. Меҳнатсеварлик, жонкуярлик, билимдонлик, камтарлик, ҳалоллик каби ажойиб фазилатлари билан завод-фабрика, колхоз-совхоз, илмий муассаса, конструкторлик бюролари, хуллас, ҳамма жойда беш йиллик планларини муваффақиятли бажармоқ учун ижодий вазифа вужудга келтирмоқдалар. Ёниб-жўшиб, илҳом билан ишламоқдалар, ҳамма қутлуғ, табаррук ишларга бош бўлиб, коллективларни эргаштириб бораётирлар.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXIV съездига Ҳисобот докладида таъкидлаб ўтилганидек, партиямиз, унинг Марказий Комитети партия ички демократиясини янада ривожлантириш, партия турмушининг ленинча нормаларига риоя қилиш, коммунистларнинг активлигини ошириш йўлини огишмай ўтказиб келмоқда. Ҳозир республикамиздаги завод ва фабрикалар, колхоз ва совхозлар ҳамда муассасаларда ўн тўрт мингга яқин бошланғич партия ташкилотлари иш олиб бормоқда. Икки мингдан кўпроқ партия ташкилотларида коммунистларнинг сони 50 кишидан ортиқдир.

Партия аъзолари ўчун тарбия мактаби, ўсиш-улғайиш мактаби бўлган бошланғич партия ташкилотлари коммунистларни сиёсий жиҳатдан чиниқтириш, уларни коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини бажаришга сафарбар этишда бой тажриба тўплаганлар. Область, шаҳар ва район партия комитетлари айниқса сўнгги йилларда бошланғич партия ташкилотларининг структурасини такомиллаштирмоқ учун қунт билан катта иш қилдилар. Эндиликда қуйи партия звеноларининг тармоғи янча кенгайди. Ҳозир Узбекистонда ўн саккиз ярим мингга яқин цех партия ташкилоти, тўққиз мингдан кўпроқ партия группаси ишлаб турганлигини айтиб ўтишкифоя.

Шундай қилиб, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма жабҳаларига коммунистларнинг уюшган коллективлари бош бўлиб турибдилар. Меҳнаткашларни беш йиллик планларини муваффақиятли бажаришга омилкорлик билан сафарбар этаётган, техника тараққиёти учун ҳормай-толмай курашаётган, пахтачиликни комплекс механизациялаш, унинг ҳосилдорлигини йил сайин оширишга бошқош бўлаётган кўплаб партия ташкилотлари тажрибаси ибратли ва кенг ёйишга молиндир. Масалан, Янгиариқ районидаги Охунбобоев номли колхоз партия ташкилоти хўжалик иқтисодиётини юксалтиришга катта ҳисса қўшмоқда. Ташкилот ҳисобидаги 157 коммунистдан 96 партия аъзоси пахтачиликда, 15 киши чорвачиликда зўр ғайрат билан ишламоқда. Улар коллективни уюштириб, катта ишларга сафарбар этишмоқда.

Маълумки, КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарорига мувофиқ партия ташкилотлари партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарликни қизитиб юборишмоқдалар. Партия ҳужжатларини алмаштириш билан боғлиқ ташкилий-сиёсий ишнинг умумпартиявий моҳияти даставвал коммунистларнинг активлигини, ташаббуси ва интизомини оширишдан, коммунизм қурилишида уларнинг авангардлик ролини кучайтиришдан иборатдир.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик кезларида бутун диққат-эътиборни ҳозирги куннинг энг актуал вазифаларини муваффақиятли бажаришга қаратиш лозим. Бу муҳим масала шаҳар ва район партия комитетлари Пленумларида муҳокама қилинди. Бу йиғилишларда партия ташкилотларининг етакчилик ролини бундан буён ҳам оширишга, тўққизинчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажаришга асосий эътибор қаратилди.

КПСС XXIV съездининг партия қурилиши соҳасидаги йўл-йўриғини огишмай бажараётган партия ташкилотлари раҳбарлик методларини такомиллаштирмоқдалар, партия турмушининг ленинча нормаларига қатъий риоя қилмоқдалар. Партия сафларини яна ҳам мустаҳкамлаб, ҳар бир коммунистнинг партия Программаси ва Уставига қатъий амал қилиши учун курашмоқдалар. Партия ташкилотлари бу борада катта тажриба тўпладилар. Ташкилий ва ғоявий-тарбиявий иш соҳасида кўпгина янгиликлар юзага келди. Район ва шаҳар партия комитетлари ана шу тажрибани ёйишга даъват этилгандирлар.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик кезларида бошланғич партия ташкилотлари, район ва шаҳар партия комитетлари секретарлари, бюроларнинг аъзолари коммунистлар билан иш манфаатларини кўзлаб дўстона суҳбатлашадилар. КПСС Марказий Комитетининг Май пленуми қарорлари муҳокама қилинаётган пайтда бошланғич партия ташкилотлари ўз ҳисобларида турган коммунистларнинг янада унумлироқ меҳнат қилиши ва жамоат ишларида актив қатнашмоғи учун нималар қилиш лозимлигини белгилаб чиқадилар.

Партиянинг онгли ва актив жангчиси бўлган коммунистлар ҳам меҳнатда, ҳам ижтимоий ҳаётда, хуллас, ҳамма вақт ва ҳамма жойда Ленин партиясининг аъзоси деган улуғ номни юксак қадрлайдилар ва шу номга муносиб бўладилар.

БЕШ ЙИЛЛИК ИНШООТЛАРИГА ЗАРБДОР СУРЪАТ

КПСС XXIV съездининг Директиваларига мувофиқ, тўққизинчи беш йилликда Узбекистон ССРда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида бир қанча янги йирик саноат корхоналарини қуриш кўзда тутилган. Бу корхоналарни жадал суръатлар билан қуриш ва ишга тушириш республикадаги қурилиш ва монтаж ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Олмаликда партия-хўжалик активининг умум шаҳар йиғилиши ўтказилди. Бу йиғилиш ана шу масалага бағишланди. Йиғилишда съезднинг В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати қувватларини ошириш, рух ва мис ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисидаги Директиваларини бажариш чоралари муҳокама қилинди.

Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. М. Муҳамедов комбинатдаги янги корхоналар қурилиши қандай бораётганлиги тўғрисида ахборот берди, йиғилиш, қатнашчиларини Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ана шу корхоналарни муддатидан илгари ишга тушириш чоралари ҳақидаги қарори билан таништирди, шаҳар партия ташкилотининг бу қарордан келиб чиқадиган вазифаларини баён қилди.

Йиғилишда сўзга чиққан экскаваторчи Э. Фозилов, қурувчилар бригадири Ф. Сутиўғли, «Алмаликсвинецстрой» трестининг бошқарувчиси Ю. Г. Чернов, «Промтехмонтаж» бошқармасининг бошлиғи А. Л. Владимиров ва комбинат директори М. Р. Рамазонов рух заводи иккинчи навбатини ишга тушириш ва партия XXIV съездининг қарорларини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар тўғрисида ахборот бердилар.

Йиғилиш мис саралаш фабрикасини, Қалмақир конини реконструкция қилиш ва кенгайтириш суръатларини жадаллаштириш, шлам бўлимини ва бошқа объектларни тезроқ ишга тушириш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди.

Актив йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилишда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов қатнашдилар. (УзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Давлат хавфсизлиги органларида кўп йил ва бенуқсон хизмати учун ҳамда туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитети Тошкент области бўйича бўлим бошлиғи Расул Ҳайдаровни Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ҒЎЗАГА МЕҲР

Пахтакорлик касбимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, шу шарафли касбни улуғлаш йўлида ҳамиша астойдил меҳнат қилишга, ҳар қандай қийинчиликларни енгишга, жасорат кўрсатишга одатланганмиз. Пахта — бойлигимиз, ифтихоримиз, пахта етиштириш эса, интернационал бурчимиз эканлигини ҳис қилишнинг ўзи бизга битмас-туганмас куч-ғайрат бағишлайди.

Бу йилги деҳқончилик шароитида пахтакорнинг иродаси, шижоати яна бир марта синовдан ўтяпти. Баҳорда юз берган табиий қийинчиликлар ёздаги қаттиқ меҳнат туфайли маълум даражада бартараф қилинди. Ғўзанинг ривожланишидаги кечикишни тўлатиш учун ҳозир ҳам кечаси-кундузи тер тўкмоқдамиз.

Ҳозирги долзарб кунларда даладан чиқишимиз қийин бўлиб қолди. Кундуз ҳам, тунда ҳам ғўза ораламиз. Бирор туп ғўза чанқамасин, ҳашаротга ем бўлмасин, бегона ўт босасида қолмасин, тупроқ ўз вақтида юмшатилсин, шона, гул ва кўсаклар тўкилмасин—ташвишимиз, фикр-зикримиз ана шу мақсадга қаратилган.

Шу кеча-кундузда 158 сувчи далаларга оби-ҳаёт тараяпти. Сувчилар яхлит карталарда группа бўлиб ишлаб, бутун далани бир вақтда сувдан чиқаришади, сув текис оқишига, пастки томирларга етиб боришига, ҳар туп ғўза туби нормал намланишига эришадилар. Тупроқ шароитига, ўсимликнинг ҳолатига, ер ости сувининг чуқурлик даражасига қараб айрим далаларга 12-15 кунда, баъзи майдонларга эса, 18-20 кунда бир марта сув берилмоқда.

Уста сувчиларни рағбатлантириб бориш билан бирга, уларнинг тажрибалари кенг оммалаштирилади. Ҳайитгул Мадаминова, Қўчқор Самандаров, Тўти Аҳмедова каби моҳир сувчилар ўз тажрибаларини қамкасблари билан ўртоқлашадилар.

Колхозимизда мавжуд 38 та трактор культиватори ғўза қатор ораларини юмшатишда ишлаяпти. Культиваторнинг иш органларини тўғри жойлаштиришга алоҳида эътибор берамиз. Қатор оралари 60 сантиметр бўлган далаларда қаторнинг чеккасини 6-8 сантиметр, ўртасини 18-20 сантиметр чуқурликда юмшатмоқдамиз. Йўлдош Ўразматов, Беккберган Оллаёров, Содиқ Машарипов, Карим Матназаров каби тажрибали механизаторлар ғўзага юқори сифатли ишлов беришда ибрат бўлмоқдалар.

Колхозимиз 1191 гектар майдонда уруғлик пахта етиштиради. Ўтган йили гектаридан 45,6 центнердан ҳосил олинди. Бу йилги марра — 46 центнер. Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакорлар Ражаб Юсупов, Дўстжон Бобожонов бошчилик қилаётган бригадалар, шунингдек, ўзим раҳбарлик қилаётган бригада азаматлари ҳам СССРнинг олтин тўйи йилида ҳар гектаридан 55 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилдилар. Саккиз бригада 50 центнерчилик ҳаракатига қўшилди.

Уз вақтида юқори сифатли ишлов туфайли ғўзаларда гул ва кўсаклар кундан-кунга кўпаймоқда. Бригадамизга қарашли 67 гектар майдонда ғўза ёппасига кўсаклаш даврига кирди. Бутун куч ва техникани юксак маҳсулотлар яраша ҳосил тўплашга сафарбар этдик. Бизда деярли паст ғўза қолмади. Экиннинг ривожланиши кечиккан далаларга «шарбат» оқизиляпти. Хашарот таркалишининг олдини олишда ҳам уюшқоқлик, тезкорлик билан иш кўриляпти.

Ҳосил тўплашнинг энг қайноқ даври келди. Кўзимиз ҳам, ўйимиз ҳам ғўзада. Меҳримиз ғўзага пайванд. Чунки мана шу ғўза тупларида тўпланган ҳосил нишоналаридан улкан пахта хирмони бунёд бўлади. Биз аҳд қилган катта центнерлар ҳозирги меҳнатимиз билан яратилади.

Ҳожи ҚУРБОНОВ,
Урганч районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи, Узбекистон ССР Олий Совети депутати.

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

ҒУЗОР. «Партия XXII съезди» колхозининг Узбекистон ССР Олий Совети депутати Сайда Туропова бошлиқ бригадаси аъзолари 75 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилганлар. Бешинчи парваришдан чиқарилган ғўзалар ёппасига кўсаклаяпти. Пахтакорлар ғўза парваришини август ойининг охиригача давом эттириш, ҳар туп ўсимликда 25-30 та бўлиқ кўсак етиштиришга аҳд қилиб, парваришни кун сайин авж олдирмоқдалар.

С. Усмонов.

ҚОРАКЎЛ. «Октябрь» колхози меҳнат аҳли июль ойида ғўза парваришини авж олдириб, яхши натижага эришмоқда. Шу кунларда ғўзалар ёппасига кўсаклаяпти, ҳар тупида 4-5 та бўлиқ кўсак санаш мумкин. Далаларда 120 сувчи нинҳолларни қондириб сугормоқда. Ер етилиши билан чуқур культивация ўтказиляпти. 700 колхозчи кунлик дала ишлари топшириғини ошириб адо этяпти. Бу билан колхоз бўйича гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштиришга пухта замин яратилади.

Х. Шихов.

КУРАШАЁТГАН ВЬЕТНАМ БИЛАН БИРДАМЛИК

ПАРИЖ, 28 июль. (ТАСС). Европа мамлакатларидаги коммунистик ва ишчи партияларнинг Вьетнамда Америка агрессиясига қарши конференцияси кеча Парижда ўз ишини тамомлади. Конференция ишида Европа қитъасидаги 27 қардош партиялар қатнашди. Совет делегациясига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев бошчилик қилди. Конференция Вьетнам халқи билан бирдамлик тўғрисидаги декларацияни якдиллик билан маъқуллади.

Сирдарё область Жиззах районидаги Навоий номли колхознинг Мели Йўлдошев бошлиқ бригада аъзолари 75 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Етиштирилган мўл ҳосил белгиланган маррани муваффақиятли бажарилишидан дарак бериб турибди. Суратда: М. Йўлдошев пахтазорда.

А. Тўраев фотоси.



ЁЗ НЕЪМАТИ НОБУД БЎЛМАСИН

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

Айни ёз палласида деҳқон эрта баҳордан буён қилинган меҳнат маҳсулини кўриб кувонади. Ҳаммаёқ тўкин-сочин. Боғларда меваларга далаларда бодринг, помидор... қўйнингки, ҳамма жойда пишиқчилик.

Пишиқчилик-ку яхши. Лекин кенг майдонларда етиштирилган сабзавот маҳсулотларини йиғиштириш ва боғларда пишиб ётган меваларни териб давлатга топшириш қай аҳволда?

Риштон райони хўжаликларида мева ва сабзавот маҳсулотларини давлатга топшириш ишлари ҳозирги кунинг талабига мутлақо жавоб бермаётир. Районнинг йирик хўжаликларидан ҳисобланган «Риштон» совхозида бу иш айниқса ёмон ташкил этилган. Совхоз бу йил давлатга 134 тонна ҳўл мева, 226 тонна сабзавот маҳсулотлари топшириши керак. Боғларда меваларни пишиб етилишига қарамай териш ва уни давлат қабул пунктларига топшириш ҳамон пайсалга солинмоқда. Ҳозиргача совхоз бўйича давлатга 53,6 тонна ҳўл мева, 11,5 тонна сабзавот маҳсулотлари сотилди, холос.

Совхознинг Ленин номли, «Большевик» бўлимларида меваларни ерга тўкилиб, давлатга топшириш учун етарли ишчи кучи ва техника воситалари сафарбар этилмаган. Совхоз боғдорчилик агрономи Норинбой Ўринбоев мева теришни кучайтириш учун елиб-югургани билан иш ўзгармаяпти. Совхоз раҳбарлари эса отангга бор — онангга бор қабилида иш тутиб, бу ишга панжа орасидан қарамоқдалар.

«Хуррамобод» бўлимида 3 гектар ерга экилган помидор пайкалда чириб ётибди. Шунга қарамай эндигина бўлимда 400 килограмм помидор топширилди, холос. «Авазбой» бўлимидаги 1 гектар ерга экилган помидордан пландаги 18 тонна эмас, ундан ҳам кўпроқ ҳосил сотиш имконияти бор. Лекин бу ерда ҳам эндигина 2 тонна помидор сотилди, холос.

Райондаги Калинин номли колхоз раҳбарлари сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирамиз, деб керилиб юришади. Лекин амалий иш бутунлай бошқача. Хўжаликда бу йил 2 гектар ерга помидор, 2 гектар ерга бодринг экилган эди. Кўчатлар эндигина кўкариб олганда уни яхши парвариш қилиш ҳақида ҳеч ким ўйлаб кўрмади. Натижада 2 гектар ердаги помидор қаровсизлик оқибатида ташлаб юборилди. Помидор экиш ва парваришига кетган колхоз маблағи кўкка совурилди. Помидор кўчати сотиб олиш учун сарфланган салкам 2 минг сўм пулни ким тўлаши кераклигини колхоз раҳбарлари айтиб бера оларминки? 2 гектар ердаги бодрингдан эндигина 1 тонна ҳосил териб олиб, давлатга сотилганини нима билан изоҳлаш мумкин!

Навоий номли, К. Маркс номли, Киров номли ва бошқа колхозларда ҳам сабзавот ҳамда мева маҳсулотларини териб олишга етарли аҳамият берилмаяпти. Ўзининг ширин-шакар мевалари билан донг таратган «Сўх» совхозида ҳам мева териш нечиқтириб юборилаётир.

Бу йил район хўжаликлари давлатга 628 тонна ҳўл мева, 1483 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб беришлари керак. Бироқ ҳозирги кунда олиб борилаётган ишлар бундан далолат бермаяпти. Бўлмаса, мева сотиш плани 13 июлгача эндигина 24 процентга, сабзавот маҳсулотлари сотиш плани 5,7 процентга бажарилган бўларидими?!

Шуни ҳам айтиш зарурки, районда пландагидан 2 хисса ортиқ мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш имконияти бор. Далаларда пишиб чирий бошлаган помидор, бодринг ,ерларда тўкилиб, тупроққа қоришиб ётган ўрик, олма ва бошқа ёз ноз-неъматлари бундан далолат бериб турибди. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланувчи мутахассислар бу соҳада жиддий ўйлаб кўришлари керак.

Риштон район партия комитетининг шу йил 6 июлда бўлиб ўтган кенгайтирилган бюро йиғилишида ҳам мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, уларнинг давлатга сотилишини тезлаштириш масалалари муҳокама қилинган эди. Бюро йиғилишининг қарори кўпчилик хўжаликларда бажарилмаётир.

Вақт кутиб турмайди. Ёз фаслининг кўпи кетиб ози қолди. Пешана тери тўкиб етиштирган неъматларимиз нобуд бўлмасин!

Ҳ. БУРҲОНОВ,
Фарғона область, Риштон райони.

ЕТТИ ОЙЛИК — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Республика озиқ-овқат саноати министрлигининг саноат корхоналари катта меҳнат галабасини қўлга киритдилар. Улар СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллик юбилейи шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, 26 июлда маҳсулот ишлаб чиқариш етти ойлик планини шараф билан бажардилар. Республика озиқ-овқат саноатчилари шу ойнинг охиригача яна 10,5 миллион сўмлик турли хил маҳсулотлар етказиб беришга қарор қилдилар.

Министрликка қарашли барча совхозлар об-ҳаво шароитининг бу йилги қийинчиликларига қарамасдан сабзавот, картошка, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштиришга муяссар бўлмоқдалар.

Берилган топшириқларни мукаммал ва тўла-тўкис бажариш учун коллективлар ўртасида олиб борилаётган мусобақада Ленин районидаги ва Қўқондаги ёғ-мой комбинатлари, Самарқанддаги «Серп и молот» консерва заводи, Қўқон нон комбинати ва бошқа коллективлар олдинда бормоқдалар.

АНДИЖОН саноат корхоналарининг коллективлари СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, яхши кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Яқинда фотомухбир В. Сиротнин Андижондаги қатор корхоналарда бўлиб, социалистик мусобақа илғорларини суратга олиб қайтди. Суратларда: (юқоридан пастга) 1. Трикотаж фабрикаси ишчиси Тўхтахон Умарова (ўнгда) билан янги техника инструктори Омина Исмоилова ишнинг боришини кўздан кечиришмоқда. 2. Бадиий буюмлар фабрикаси техника контроли бўлими контролери Соҳиба Исмоилова тайёрланган дўппиларнинг сифатини кўрмоқда. 3. «Электроаппарат» заводи ишчилари М. Юсупова ва С. Аҳмедов ҳозирги кунда сентябрь ойи ҳисобига ишламоқда.

Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетида

КУН ТАРТИБИДА — ТЕЖАМКОРЛИК

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги ва асбобсозлик заводларининг коллективлари КПСС XXIV съездининг қора металлдан тежаб фойдаланиш ҳақидаги кўрсатмасини изчиллик билан амалга оширяётирлар. Халқ назоратчиларининг фаолиятида металларни тежаб-тергаб сарфлаш, тежамкорлик ва иқтисод қилиш резерврларини излаб топиш, хўжасизликка қарши кураш олиб бориш вазифаси муҳим ўрин эгаллайди. Ўтказилаётган рейд ва текширишлар металл нобудгарчилиги олдини олиш ва металл чиқиндиларидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш имконини бермоқда.

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводида (директори Пўлних, халқ контроли группасининг раиси Лимарь ўртоқлар) ўтган йили 370 тонна металл кам сарфланди. Халқ контроли группаси ташкилий-техникавий тадбирларнинг амалга оширилишини мунтазам назорат қилиб бормоқда. Шу мақсадда металлдан тежаб тергаб фойдаланиш резерврларини топиш, ундан рационал фойдаланиш ва металл хом ашёси ва маҳсулотларининг қандай сақланаётганини ўрганиш мақсадида бир қатор рейд ва текширишлар ўтказилди. 1971 йилда ўтказилган тўрт текширишда металларни тежашнинг янги резерврлари топилди, уларни сақлаш тартибга солинди. Текшириш ва рейд натижалари «Машиностроитель» кўптиражли газетасининг саҳифаларида ёритиб борилди.

Халқ назоратчилари металларни қирқишнинг янги прогрессив усулларини жорий қилдилар. Группа аъзоси, темирчилик-пресс цехининг устаси Казаков тунука қиркувчи Иванов, Эрназаров ва Ладошкинлар билан ҳамкорликда деталларни тайёрлашнинг рационал усулини топиб, ишлаб чиқаришга жорий қилди. Бу таклиф 2,5 тонна металлни тежаб қолиш имконини берди. Собитов ва Арутюновларнинг «рационализаторлик таклифлари ҳам 30 тонна прокат ва 14,4 минг метр қувурни тежаб қолишга имкон берди. Йиғув цехи халқ назоратчилари бу таклифларни ишлаб чиқаришга жорий этишда актив иштирок қилдилар.

Заводда машиналар конструкцияси такомиллаштирилгани, металларни қирқишнинг прогрессив усули жорий қилингани, йиғирув халқаларини тайёрлашда чиқиндиларни камайтириш, тунука ўрнига рулонли пўлат лепталари қўлланилаётгани сабабли шу йилнинг биринчи кварталида 40 тонна прокат тежаб қолинди. Йил охиригача тежаладиган металл прокатлари ҳисобига умумий нархи 80 минг сўм бўлган 11 та тўқимачилик машиналари ишлаб чиқарилади. Келгуси йилда эса 180 тонна металлни тежаш мўлжалланмоқда.

Тошкент асбобсозлик заводида ҳам (директори Бойжонов, халқ контроли группасининг раиси Ҳайриддинов ўртоқлар) қора металлардан тежаб-тергаб фойдаланишда кўпгина ибратли ишлар қилинаяпти. Халқ контроли группаси ўтказган тўрт текширишда қўшимча резерврларни излаб топиш, моддий бойликларни сақлашда тартиб ўрнатиш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш, металл прокатларидан унумли фойдаланиш каби вазифалар диққат марказида бўлди.

Ўтказилган текширишларда темир-терсак сифатида топшириш мўлжаллаб қўйилган 40 тоннадан ортиқ металл чиқиндиларидан «Плашек» кесувчи асбоби ва бошқа иккинчи даражали асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш мумкин эканлиги аниқланди. Завод дирекцияси халқ назоратчиларининг бу таклифини кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилди. Белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун корхонда маҳсус участка ажратилди. Ўтган тўрт ой давомида металл чиқиндиларидан 16,8 минг сўмлик кесадиган асбоб ва иккинчи даражали асбоб-ускуналар тайёрланди.

Халқ назоратчилари ўтказган бир текширишда завод омборларида 35 тонна нормадан ортиқ пўлат листлари сақланаётгани аниқланган эди. Назоратчиларнинг таклифи билан бу хом ашёдан кенг истеъмол буюмлари тайёрланадиган бўлди. Халқ назоратчилари, шунингдек, металларни сақлаш учун ёпиқ бинолар қуриш масаласини ҳам кун тартибига киритдилар.

Ҳар иккала заводда ўтказилган текширишда металл прокатини тежаш учун ҳали ҳам фойдаланилиши лозим бўлган резервлар борлиги маълум бўлди. Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводида айрим деталлар прогрессив технология қоидалари қўлланилмай тайёрланмоқда. Бу эса, кўплаб металларнинг нес-нобуд бўлишига сабаб бўлаяпти. Асбобсозлик заводида ўнлаб тонна металл қўшимча сарфланаётир. Корхонада сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичи ҳали ҳам катта. Ҳар икки заводда ҳам халқ контроли группалари металл прокатини тежаш резервларини излаб топиш ва бу ишга кенг меҳнаткашлар оммасини жалб қилиш учун янада кўпроқ куч-ғайрат сарфлашлари керак.

Республика халқ контроли комитети Тошкент тўқимачилик машинасозлиги ва асбобсозлик заводлари халқ контроли группаларининг қора металлдан тежаб-тергаб фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини маъқуллади ва бу муҳим ишни янада яхшилаш учун конкрет тадбирлар ишлаб чиқди.

Абитуриент-72

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

Олий ўқув юртлари ҳаётида масъулиятли давр — янги қабул бошланди. Олий ўқув юртларига янги қабулнинг уюшқоқлик билан ўтказилиши абитуриентлар срасидан энг қобилиятли, билимдон ёшларнинг танлаб олинишига имкон беради. Бу эса халқ хўжалиги учун малакали кадрлар тайёрлаш ишининг бошланишидир. Шу нуқтаи назардан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кўпгина тадбирларни амалга оширмоқда.

Институт Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон тўқимачилик, енгил ҳамда пахта тозалаш саноати учун инженер кадрлар етказиб берадиган ягона олий ўқув юртидир. Институт бой ўқув-моддий базага эга. Унинг таълим корпусларидан ташқари, ўқитиш учун хизмат қилувчи пахта тозалаш заводи, йигирув, тўқув фабрикалари, мукаммал жиҳозланган ўнлаб лабораториялар; 37 та фан кафедраси, 7 та факультети бор.

Яқинда мухбиримиз институт ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги **М. Ҳожинова** ҳузурида бўлиб, институтга янги қабул ҳақида гапириб беришни илтимос қилди:

— СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги олий ўқув юртларига бу йилги қабул шартларига бир қатор муҳим ўзгартишлар киритди. Жумладан, абитуриентнинг қабул имтиҳонларида олган баҳоларига унинг етуклик аттестатидаги баҳоларининг ўртача бали қўшиладиган бўлди. Шунингдек, техника олий ўқув юртларига кирувчилар учун адабиёт имтиҳонидан олган баҳоси ҳам умумий баллга қўшилади. Бу тадбир, шубҳасиз, техника институтларига ҳам она тили ва адабиётдан пухта саводхон ва эстетик жиҳатдан дидли ёшларни танлаб олиш имконини беради.

Янги қабулга тайёргарлик профессор-ўқитувчилар имиз коллективининг жонажон иши бўлиб қолди. Бу йил институтимизга 1250 йигит ва қиз 12 мутахассислик бўйича қабул қилинади. Институтимизга қардош республикалар йўлланмаси билан 56 йигит-қиз келади. Бу йил айрим мутахассисликлар бўйича, жумладан, пахтани дастлабки ишлаш ихтисослиги бўйича қабул сони оширилди.

Янги қабулни муваффақиятли ўтказиш мақсадида институт ректорати ва парткоми кўпгина амалий тадбирларни кўрдилар. Қабул комиссиясида ишлаш учун ишчанлиги, камтарлиги ва ҳалоллиги билан танилган ўқитувчилар танлаб олинди. Қабул имтиҳонларини ўтказишга энг малакали ўқитувчилар ажратилди. Абитуриентлар учун институт тарихи ва ҳозирги кунини акс эттирган, қабул шартларини шарҳлаган, имтиҳон билетлари саволларидан намуналар берилган справочник-китобча рус ва ўзбек тилларида чоп этилди. Институтнинг кўп тиражли «Тўқимачи» («Текстильщик») газеталарининг янги қабулга бағишланган махсус сонлари чиқарилди. Энг қобилиятли ёшларни институтга тортиш мақсадида областларга вакиллар юборилди. Хозир ўқув даргоҳимизда абитуриентларни сермазмун ҳаётимиз билан таништирувчи экскурсия бюроси ва кўргазмаси ташкил этилди.

Ўтган йилларнинг тажрибаси ва бу йилги ҳужжатлар қабул қилишнинг дастлабки якунлари бир қатор областлардан жумладан, Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Самарқанд, Наманган, Бухоро, Сурхондарёдан абитуриентлар кам бўлишини кўрсатмоқда. Шу областларнинг партия, совет, комсомол ташкилотлари, халқ маорифи органлари бу масалага жиддийроқ муносабатда бўладилар, деган умиддамиз.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ГАЗЕТА САҲИФАСИДА — ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг органи — **«Комсомолец Узбекистана»** газетаси ўзининг 28 июль сонини СССРнинг шонли аллик йиллигига бағишлади. «ССР Иттифоқи тарихи ҳужжат ва очеркларда» деб аталган бу сонда ҳур республикалар ҳаётида рўй берган муҳим тарихий воқеалар йилма йил ҳикоя қилинган. Газетхонлар газета саҳифаларида Советларнинг съездлари, СССРнинг ташкил топиши тарихи ҳақидаги ҳужжатлар билан танишдилар. Унда журналист С. Ормелининг Советлар биринчи съездининг делегати, Туркистонда Совет ҳокимиятини барпо этишда актив иштирок этган ҳарбий саркарда, кекса коммунист Я. Д. Чанишевнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти тўғрисида ёзган очерки, шунингдек СССР ташкил топган дастлабки йилларнинг ҳужжатлари босилган.

«Комсомолец Узбекистана» газетаси «ССР Иттифоқи тарихи ҳужжат ва очеркларда» рубрикасини ташкил этиб, ибратли иш қилди.

«АЖАБ САВДОЛАР» НИМА БИЛАН ТУГАДИ?

«ЮЛҒИЧНИНГ КАШФИЁТИ»

«Совет Узбекистони» газетасининг шу йил 6 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада Пахтакор район ишчилар таъминоти бўлимининг бошлиғи Файзуллаев ишдан олиб ташланган. Бухгалтерия ҳисобини йўлга қўймаганлиги, моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари устидан контроллик қилмаганлиги, умумий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб бериш ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги учун бўлим бош бухгалтери Сон Ин-Су ишдан олинган ва у, шунингдек С. Ҳамидуллина, инвентаризатор Иброҳимов, ревизор Маркиналар жиноий жавобгарликка тортилган.

Пахтакор район ишчилар таъминоти бўлимига, қишлоқ ва поселка Советларига газета мақоласини барча савдо ташкилотларида муҳокама қилиш, бундан кейин социалистик мулкни талон-торож қилишга йўл қўймаслик чораларини кўриш топширилган.

ЯНГИ ЭЛЕКТРОПОЕЗД

РЕПОРТАЖ

Рига вагонсозлик заводида мамлакатимизда биринчи марта яратилаётган тезюрар электропоезднинг тележка рамаси йиғилди. Бу поезд соатига 200 километр тезликда юра олади, шунинг учун ҳам уни «Эр-200» деб атаганлар. Пресслаш-тайёрлаш, механика участкаларидан ва янги техника цехидан деталлар ва заготовкалар тўхтовсиз кела бошлади. Тележка рамасини йиғиш ва пайвандлаш группасининг бошлиғи Микель Сизов ишнинг ҳамма босқичларини технологлар ва слесарлар билан бирга яна бир бор аниқлаб чиқди. Эрталабдан электр пайванд бошланди.

Биринчи тезюрар электропоезднинг энг муҳим узелларини йиғиш янги техника цехининг энг тажрибали слесарлари ва пайвандчиларига топширилди. Валерий Косек қувнок, сўзамол бўлишига қарамай, бугун бутун диққат-эътибори ишда. Унинг ўртоқлари Гунар Плацанс ва Андрис Вилипис унинг одатдаги ҳазил мутойибаларини эшитмадилар. Чунки ҳазилга ҳам вақт йўқ эди. Биринчи тележка 1 июлгача тайёр бўлиши керак, вақт эса оз. июлнинг охиригача иккинчи тележкани йиғишни тугаллаш керак. Ҳар иккала тележка вибрация стилида синовдан ўтказилади. Вагонсозлик илмий-текшириш институти ходимлари уни ҳар томонлама синаб кўрадилар.

Биринчи рамани йиғиш учун роса 6 соат вақт кетди. Ишчи чертёжларида ишчиларнинг бармоқлари изи қолди. Сизов эса ҳаяжонланиб, йиғиш ишларининг ҳар бир босқичини текшириб турди. Барча иш техника процесси талабларига мувофиқ бажарилди; слесарлар ўз ишларини яхши биладилар.

Ниҳоят Валерий Косек кун бўйи биринчи марта одатдаги ҳазилларидан бирини қилмоқчи бўлгандек дўстларига қаради, лекин индамай, кулиб қўяқолди. Никель Сизов йиғилган рамага қараб енгил тортди.

Бу вақтда янги техника цехида вагонларнинг кузовларини жиҳозлаш тугалланмоқда эди. «Эр-200» электропоезднинг бош конструктори Всеволод Короакин қоғоздан бошини кўтармай, телефонга қўл узатди. Поезднинг биринчи узели тайёр бўлганлигини хабар қилиш учун кўнғироқ қилишган эди.

А. ГОНЧАРОВ.

ҚУРИЛИШ СУРЪАТИ ВА МАРОМИ

И. АНИСИМКИН,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари.

Йигирма миллиард сўмлик капитал маблағларни ўзлаштириш — республика бинокорлари тўқкизинчи беш йилликда эгаллашлари керак бўлган маррадир. Бу эса янгидан-янги корхоналар ва каналлар, қўриқ ерларда бунёд этилган совхозлар ва сув омборлари, ўй-жой бинолари ва болалар комбинатлари, мактаблар, клублар, кутубхоналар, театрлар, обод посёлкалар ва шаҳарларнинг янгидан-янги кварталлари демакдир. Бинокорларимиз тўққизинчи беш йилликда ҳар йили саккизинчи беш йилликнинг ҳар йилида ўрта ҳисобда ўзлаштирилганидан бир миллиард сўмлик кўп капитал маблағ ўзлаштирмоқлари керак.

Қурилишнинг тобора ўсиб бораётган ҳажми Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ фаровонлиги тўғрисида, социалистик экономикани ривожлантириш, коммунизмнинг моддий-техника базасини вўжудга келтириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилаётганликларининг натижаси эканлигини совет қишлари яхши билишади. Партия иродаси, барча иттифоқдош республикаларнинг қардошларча ёрдами, ишчилар синфининг ажойиб отряди — бинокорлар меҳнати билан Ўзбекистонимиз жамоли ўзгармоқда, унинг иқтисодий потенциали ортмоқда, шаҳар ва қишлоқларимиз меҳнаткашлари учун янги-янги меҳнат ва турмуш шароитлари таркиб топмоқда.

Юксак суръат, ҳозирги вақтдаги ва келажакдаги вазифаларнинг улуғворлиги ишда аниқса пухта маром, юксак уюшқоқлик ва аҳиллик бўлишини, ишларинг ётган резервларни моҳирона топа билиш ва улардан фойдалана билишни, хўжаликни ишнинг кўзини билиб юритишни, бир масъулиятга яна бир масъулият қўйишни талаб этади. Муваффақият қозонишнинг ҳозирги йўли ишлаб чиқариш коллективлари кучини сафарбар этишнинг ана шу нуқталари орқали ўтади.

Қурилиш ва монтаж ташкилотларида, қурилиш индустрияси ҳамда қурилиш материаллари саноати корхоналарида, лойиҳалаш институтларида шу кунларда кишиларимиз алоҳида ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Ўтган бир ярим йил мобайнида кўпгина ишлар қилинди, лекин КПСС XXIV съезди ва СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига бинокорларимиз ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятлар белгилаб берган янги чўққилар ҳали олдинда турибди. Қурилиш-монтаж ишлари ва асосий фондларни ҳамда уй-жой биноларини ишга туширш йиллик планини 25 декабргача бажариш, 27 минг тонна цемент, 3,5 минг тонна металлни, 28 минг куб метр ёғоч материалларни ҳамда кўпгина бошқа ресурсларни тежаб қолиш вазифаси ҳали олдинда турибди.

Мусобақа иштирокчиларининг фидокорона меҳнати, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни ташкил этишнинг даражаси ошиб кетганлиги, СССР юбилейига ҳар бир меҳнаткаш шахсий совға тайёрлашга интилаётганлиги республикамиз улкан қурилишининг муваффақиятларини янада кўпайтиришга имкон берди: Ўзбекистонда йилнинг биринчи ярмида 1 миллиард 44 миллион сўмлик капитал маблағ ёки бошқача айтганда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан саккиз процент кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирилди. 527 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Чорвоқ ГЭСнинг тўртинчи агрегати, Попдаги картон-рубероид заводининг картон ишлаб чиқариш қувватлари, шағални майдалаш-саралаш заводи бўлган Бекобод карьери, Андижон машинасозлик заводининг қўшимча қувватлари фойдаланишга топширилди.

Олмалиқ кон металлургия комбинатининг рух заводида тўлиқ ишлаб чиқариш циклини барпо этиш ниҳоясига етказилди.

Тошкентдаги пойафзал ва Андижондаги тикувчилик фабрикалари, Наманган-дагги шойи ва костюмбоп газламалар комбинатидаги янги йирик қувватлар ишга туширилди. 21 минг гектар янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилди. 11,5 минг бош чорвага мўлжалланган чорвачилик бинолари ишга туширилди. Республикада 804 минг квадрат метрдан иборат уй-жой, 8 минг болага мўлжалланган мактаб ва 4,6 минг болага мўлжалланган болалар муассасалари, 350 ўринли касалхоналар, 1450 киши қатнайдиган поликлиникалар қурилди.

Қурилиш ва монтаж трестлари, бошқармалари ва кўчма колонналари коллективларининг кўпчилиги берган ваъдаларини шараф билан бажармоқдалар, олган мажбуриятларини амалий ишлар билан рўёбга чиқармоқдалар. «Ўзбекшахтастрой», Бухородаги 163-қурилиш, Фарғонадаги «Облколхозстрой», «Қашқадарьяводстрой», «Средазстроймеханизация» трестларининг коллективлари мусобақадошларнинг олдинги сафида бормоқдалар. Улар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроқларини олишга сазовор бўлдилар.

«Главташкентстрой»нинг «Строймеханизация» тресті, «Средазтепломонтаж», Бухородаги «Облколхозстрой», Нукусдаги 166-трестлар ва Оҳангаробдаги қурилиш пластмассалари комбинатининг коллективлари республика мусобақасида ғолиб чиқдилар, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроқларини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Тошкент метрополитени қурувчилари иш суръатини тобора кучайтирмоқдалар.

Қишлоқ қурилиши, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари, Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрликлари, «Узколхозстрой», «Узглавводстрой» қурилиш ишлаб чиқаришини яхши ташкил этмоқдалар ва уни моҳирона бошқармоқдалар. Бинокорлик материаллари саноати ўз ишини яхшилади.

Ярим йиллик якунларини таҳлил этиш маълум ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади: мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун шарт-шароитлар яратилган, мусобақани ривожлантиришга ижодий муносабатда бўлинаётган, меҳнат ва бошқарув моҳирлик билан пухта ташкил этилган жойларнинг ҳаммасида кишилар зўр жонбозлик билан ишлаб белгиланган марраларни сабот матонат билан эгаламоқдалар.

«Узбекшахтастрой» тресті мана бир неча йиллардан буён бир маромда ва юксак суръат билан ишлаб келяпти. Бу коллектив қурилишда биринчи бўлиб хўжаликни юритишнинг янги усулига кўчди, хўжалик ислоҳотининг баракали шароитларидан моҳирона ва ижодий фойдаланяпти, фан, техника ва практикадаги ҳамма янги нарсаларни муваффақиятли амалга оширяпти. Ҳозир бу ерда бошқарувнинг автоматлаштирилган системаси жорий этилмоқда. Трест коллективи беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун бошланган ҳаракатнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқди. ишчиларнинг деярли ҳаммаси беш йиллиқни тўрт йилда бажариш мажбуриятини олди. Буларнинг ҳаммаси катта сиёсий ва ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмоқда.

7-«Мосстрой»да, «Средазстроймеханизация», «Қашқадарьяводстрой» трестлари ва бошқа кўпгина ташкилотларда мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга қаратилган катта ташкилотчилик ишлари олиб борилмоқда. Илғор коллективлар тўпланган тажрибадан ҳамма жойда фойдаланилмоғи зарур. Бу эса ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишнинг муҳим резервидир. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда илғор коллективлар тўпланган тажрибани оммалаштириш ва уни жорий этишда партиявий талабчанлик, ташаббускорлик айниқса муҳимдир.

Бироқ эришилган муваффақиятлар билан қаноатланиб қолиш совет кишисининг характерига хос бўлмаган бир нарсадир. Партия бутун диққат-эътиборни камчиликларга қаратишни, бу камчиликларни бартараф этишнинг йўлларини қунт билан қидириб топишни, қурилишнинг қимматини тобора камайтириш ва муддатларини қисқартириш учун ички резерврларни ишга туширишни талаб қилиб келди ва талаб қилмоқда. Қурилиш ҳақида партиявий ғамхўрлик — аввало, қурилиш майдонида маромнинг изидан чиқишига сабаб бўладиган, ишларнинг суръатини пасайтирадиган ҳар қандай камчиликларга нисбатан мурosасиз бўлиш, ишнинг муваффақияти учун шахсий ва коллектив жавобгарликни ошириш демакдир.

Афсуски, ишга бундай муносабат ҳамма жойда қарор топган деб бўлмайди. Қурилишларнинг баъзиларида меҳнатни ташкил этиш икки оёқлаб оқсаётганлигини кўрасиз, конструкциялар, ғишт ёки қоришма муттасил етишмаётганлиги сезилади ва айни бир вақтда ишчанлик вазияти ҳам сезилмайди, меҳнат интизомини бузиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Бундай шароитда объект қурилишининг боришида кескин бурилиш рўй беришини кутиш амри маҳолдир.

Бинобарин ҳамма гап уюшқоқликда, моддий ресурслардан, бинокорлик техникаси ва иш вақтидан самарали фойдаланишдадир. Бу соҳадаги камчиликлар иш суръатини пасайтиради, маромни бузади. Масалан, Қишлоқ қурилиши министрлигининг Фарғонадаги 9-трести-да қурилиш-монтаж ишларининг ярим йиллик плани бажарилмай қолди. Бунга ишчиларнинг бекор турib қолиши асосий сабаб бўлди. Механизмлар фақат бир сменада ишлатиляпти, меҳнат унумдорлиги пландагидан 7 процент пасайиб кетган. Бу ерда социалистик мусобақани ташкил этиш яхши йўлга қўйилмаган, юксак даражада унумли ишлаш учун шарт-шароит яратиш борасида юксак талабчанлик муҳити вужудга келтирилган эмас. Бу трестда ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи умуман министрликдагига нисбатан жуда паст даражага тушиб қолди.

Ана шу сабабларга кўра Қурилиш министрлигидаги 22 трестдан 19 таси, «Главташкентстрой»даги 13 трестдан 8 таси ярим йиллик планини бажармади. Бу коллективлар давлат, халқ олдида жуда катта қарздор бўлиб қолишди.

Ҳозирги вақтда бизни яна шу факт ҳам ташвишлантирмаслиги мумкин эмаски, Тошкент, Фарғона областларида, Қорақалпоғистон АССРда капитал маблағларни ўзлаштириш ярим йиллик плани бажарилмай қолди. Андижон областида Директивада кўрсатилган қурилиш — Андижон сув омборида анчагина кейинда қолишга йўл қўйилмоқда.

Айрим хўжалик раҳбарлари баъзан ишга аналитик ва танқидий ёндошиш ўрнига ишларнинг қониқарсиз боришини турли сабаблар билан оқлашга ва шу тариқа топширилган иш учун шахсий жавобгарликни ўз зиммаларидан соқит қилишга интилмоқдалар. Қурилишларда муайян қийинчиликлар туғдирадиган вазият рўй бериб туради, албатта. Бу эса об-ҳавонинг ноқулай келиши ва бинокорлик материаллари билан таъминлашда узилиш рўй бериши ва шу каби ҳоллар билан боғлиқ. Бироқ, республикамизда ишга аксарий кўпчилиги тажрибали кадрлар бошчилик қилмоқдалар. «Раҳбарлик қилиш» деган тушунчанинг ўзи олдиндан кўра билиш, вужудга келаётган проблемалар ва вазифаларни оптимал ҳал этиш йўлларини топа билиш деган маънони билдиради. Қийинчиликларни рўкач қилиш йўлидаги ҳар қандай урунишлар муайян маънода раҳбарлик қила билмасликни тан олиш демакдир.

Айни бир шароитда ишлаётган қурилиш ташкилотларининг фаолиятини қиёс қилиб кўриш билан яна бир бор ана

БЕШ ЙИЛЛИК ҚУРИЛИШЛАРИДА

БУХОРО ГИГАНТИ

Қўҳна ва ҳамиша навқирон Бухорода қад кўтараётган ип-газлама комбинати тўққизинчи беш йилликнинг йирик қурилишларидан ҳисобланади. Комбинат тўла ишга туширилгач, республикамизда ип-газлама ишлаб чиқариш 40 процентдан знёд ошади. Замонавий ускуналар билан жиҳозланаётган комбинат йилига 100 миллион метрдан ортиқ газлама етказиб бериш қувватига эга бўлади.

Бутуниттифоқ комсомол қурилиши жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Қурувчилар ва монтажчилар ойлик ва квартал топшириқларни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариб ишламоқдалар. «Юқори суръат, аъло сифат» — шиори остида фидокорона меҳнат қилаётган гигант қурилишининг аҳил коллективи меҳнатда ажойиб ютуқларни қўлга киритаётир. Улар комбинатнинг биринчи навбати — йигирув тўқув фабрикасини шу йилнинг 20 декабригача ишга туширишга қарор қилишган.

Комбинат қурилишида ўрнак кўрсатиб ишлаётганлар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Владимир Калмиков бошлиқ монтажчилар бригадаси коллективини комбинат қурувчилари ҳурмат билан тилга олишади. Бригаданинг сергайрат бунёдкорлари доим қурилиш топшириқларини ошириб уддалашяпти. 93- ихтисослашган қурилиш трестининг Владимир Кваш бошлиқ монтажчилар бригадаси ҳам пешқадамлардан қолишмаётир. Шунингдек, Леонид Чеботаев бошлиқ монтажчилар бригадасининг Р. Зокиров, В. Сомохвалов, Ю. Чабушкин каби ишбилармон ишчилари комбинат қурилиши суръатини тезлатишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Меҳнатда суяги қотган бу фидокорлар берилган топшириқларини муntазам 130 — 140 процент бажаришаётир. Улар ўзларининг баракали меҳнати билан СССРнинг олтин тўйига муносиб совға ҳозирлаш учун курашмоқдалар.

Бутуниттифоқ зарбдор қурилиши деб эълон қилинган комбинат қурилишида Тошкент, Олмалиқ, Чирчиқ ва бошқа шаҳарларнинг бинокорлари ҳам зўр шижоат кўрсатишяпти.

Суратда: қурилишда яхши ишлаб ном қозонаётган 93-ихтисослашган трестнинг Қодир Жуманиёзов бошлиқ монтажчилар бригадаси.

Б. Мўминов фотоси. (ЎзТАГ).

СПОРТ

ХАБАРЛАР

РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ

Область мусобақаларида сараланиб чиққан 16 команда икки кичик группага бўлиниб, республика биринчилиги учун курашмоқда. Футбол командалари икки даврада ўйин ўтказадилар. Ҳар бир группанинг уч ғолиб командаси финалга чиқади. Улар октябрь ойида бўладиган республика чемпионлиги мусобақасида иштирок этадилар.

Дастлабки тур натижалари аниқланди. Саккиз учрашувда дарвозаларга 38 тўп киритилди. Тошкентнинг ёш футболчилар мактаби командаси Қувасойнинг «Цементчи» коллективини 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Гулистоннинг «Пахтачи» ва Шаҳрисабзнинг Энгельс номли колхози командалари ўртасидаги ўйин 7:1 ҳисобида тамом бўлди.

САМБОЧИЛАРДА ҚЎШ МЕДАЛЬ

СССР шахсий-команда биринчилиги учун ўсмирлар ўртасида самбо кураши мусобақалари бўлди. Бу учрашувларда мамлакат кўнгилли спорт жамиятлари Марказий советлари ҳамда муассасаларнинг терма командалари иштирок этди. Шахсий биринчиликда тошкентлик динамочи Турсун Бадалов ўз вазн тоифаси бўйича иккинчи ўринни олди ва кумуш медални қўлга киртди. Ўзбекистонликлардан яна бир спортчи — Александр Долженко («Меҳнат» жамияти) бронза медали билан тақдирланди.

АНДИЖОН ВЕЛОСИПЕДЧИЛАРИ ПЕШҚАДАМ

Фарғонада биринчи марта кўп кунлик велосипед пойгаси ўтказилди. СССР ташкил топганлигининг 50 йиллигига бағишланган бу мусобақада бошқа областларнинг вакиллари ҳам қатнашдилар. Тўққиз босқичли 810 километрли маршрутни Андижон область командаси биринчи бўлиб босиб ўтди. Иккинчи ўринни самарқандликлар, учинчи ўринни Фарғона области спортчилари эгаллашди. Шахсий биринчиликда спорт мастерлигига номзод самарқандлик Г. Акимов яхши натижага эришди. Охунбобоев район спорт мактабининг тренери мастерликка номзод Анвар Йўлдошев Фарғона область чемпиони номини олди.

СПАРТАКИАДА ЯКУНЛАРИ

Киев шаҳрида давом этаётган Бутуниттифоқ ўқувчилар спартакиадаси тамом бўлди. Ўзбекистон енгил атлетикачилари ўқувчилар спартакиадалари тарихида биринчи марта бешинчи ўринни эгалладилар. Қизлар тўртинчи ўринни ва ўсмирлар бешинчи ўринни олдилар. Умумкоманда ҳисобида Украина, РСФСР, Грузия ва Москва ўқувчиларигина республикамиз спортчиларидан ўзиб кетдилар.

ФАРҚ — ИККИ ОЧКО

Исландиянинг Рейкьявик шаҳрида жаҳон биринчилиги учун давом этаётган шахмат мусобақасининг саккизинчи партияси ўйналиб бўлди. Борис Спасский хатоларга йўл қўйди. Бундан фойдаланган даъвогар Роберт Фишер 37-юришда ғалабага эришди. Ҳисоб Р. Фишер фойдасига — 5:3.

Навбатдаги партия якшанба куни — 30 июлда бўлади.

ДАХБОРОТ

МОСКВАДАН ХАТЛАР

«ЭЛЕКТР-72» КЎРГАЗМАСИ

Ватанимиз пойтахтидаги «Сокольники» боғида очилган «Электр-72» йирик халқаро кўргазмасида 23 давлатнинг 600 фирмаси қатнашяпти. Жумладан, Германия Демократик Республикаси, Венгрия, Польша Халқ Республикалари, Чехословакия, Франция, АҚШ, Япония, Италия, Британия ва бошқа мамлакатларнинг маҳсулотлари ҳам намойиш қилинмоқда.

Кўргазмада энг янги электр техника буюмлари стендлардан ўрин олган. СССРнинг 209 корхонаси, 60 илмий-текшириш институти, 20 министрлик ва идораларнинг электр асбоблари кўз-кўз қилиняпти. Бу ерда намойиш қилинаётган Ўзбекистоннинг Тошкент, Чирчиқ ва Қўқон шаҳар маркалари босилган электр асбоблари ҳам кўргазмага кирганларни қизиқтирмоқда.

А. ТРУБНИКОВ,

БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛАР ИБРАТИ

Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлик коллективларининг кўрик-конкурсида Ўзбекистондан борган ансамбллар ҳам катта муваффақият қозонишди. Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги бу ўзига хос катта синовда Қашқадарё областининг «Бўстон», Сурхондарёнинг Термиз районидаги Жданов номли колхозининг «Ғўзал» ва Наманган шаҳрининг «Наманган гуллари» ансамбллари медаллар билан тақдирландилар.

Кўргазма дирекцияси Наманган шаҳар маданият саройи ансамблини диплом ва барча бадиий ҳаваскорларни махсус нишонлар билан мукофотлади. Кўрик-конкурс сентябрь ойигача давом этади.

В. БЕЛЯКОВ,
режиссер.

ЗАВОД МУЗЕЙИ

«Ташсельмаш». Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топганлигининг 50 йиллигига бағишланиб ветеранлар ўтказаётган ҳикояларда, завод меҳнат шуҳрати музейи экспозициясида корхона йилномасига бамисоли жон киргандек бўлади.

Замон ўтиши билан сарғайиб кетган ҳужжатларга қарасангиз, ҳозир заводнинг улкан хўжалиги кенг қулоч ёзган жойда бундан қариб ярим аср муқаддам марказий механика устахоналари барпо этилганлиги маълум бўлади. Ватанимизда дастлаб ишлаб чиқарилган чигит экадиган сеялкалар, культиваторлар, тола ажратгичлар, ваккум пахта териш машиналари ва ғўзапоя юладиган техника музей альбомларида кўзга ташланади.

Ана шу устахонани мисли кўрилмаган қисқа муддатда қуриш билан завод ҳам барпо этилган эди. Коммунистлар билан комсомоллар қурувчиларнинг олдинги сафларида бордилар. Уларнинг шахсий ибратлари, меҳнат ғайрати туфайли цехларни муддатидан илгари қуришга мувофиқ бўлинди. «Правда Востока» газетасининг 1931 йил биринчи Май куни чиққан сонида: **«Бугун... «Сельмаш» заводи ишга тушди... «Сельмаш» заводининг қурилиши — Ўрта Осиёни индустриалштириш йўлида қўйилган муҳим қадамдир»**, деган сўзларни ўқиймиз.

Қурувчилардан кўпларининг фотосуратлари сақлаб қолинган. Буларнинг орасида анчагина рус, украин, белорус ер қазувчилар, ишт терувчилар, сувоқчилар, дурадгорлар бор. Улардан баъзи бирлари ҳозир ҳам заводда меҳнат қилмоқда. Москва корхоналари «Ташсельмаш»нинг қад кўтаришида кўрсатган бебаҳо ёрдами тўғрисида моделчи Одил Толипов бундай деди:

— Биз ўша вақтда янги заводда меҳнат қилиш иштиёқи билан юраги ёнган юз йигит эдик. Лекин биз иш малакасини ҳали орттирмаган эдик. Комсомол йўлланмаси билан Москва яқинида жойлашган Люберци шаҳридаги Ухтомский номли заводга борганимиздан кейингина металлист касби-корини ўргандик. Юзта ўзбек йигитига ўшанда рус ишчилари таълим беришди.

Қардош республикалардаги турдош корхоналарга эргашиб «Ташсельмаш» заводида ёшлардан иборат меҳнат коммуналари тузилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар сақланиб қолган. Ёшларнинг меҳнат коммунаси 1932 йилда тузила бошлади. Бу коммуна эндиликда «Ташсельмаш» заводининг бош технологи — ўша вақтдаги комсомол Виктор Константопуло ташаббуси билан вужудга келди. Олтмишинчи йилларнинг бошларида слесарь Ўктам Ирисқулов бошлиқ ёшлар бригадаси ўша вақтдаги шонли традицияларни ривожлантириб ва авж олдириб, коммуна меҳнат эстафетасини қўллаб-қувватлади. Эндиликда Ўктам Ирисқулов темирчилик-пресслаш цехининг мастери ва бошлангич партия ташкилотининг секретари, завод партия комитетининг аъзосидир.

Эндиликда заводда 15 та участка, 60 бригада ва 1400 киши коммунистик меҳнат зарб доридир. Завод меҳнат коллективининг учдан икки қисми фахрли номга эга бўлиш ҳуқуқи учун курашмоқда. Ишчилардан бир ярим мингга яқин киши Тошкент авиация заводи фрезерчиси Альбина Девятованинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, меҳнат унумдорлигини ошириш жиҳатидан ўзининг шахсий беш йиллигини уч-тўрт йилда бажариш учун курашмоқда. СССРнинг олтин юбилейи шарафига олинган мажбуриятлар ҳам ado этилмоқда. Шу йилнинг 6 ойи программаси муддатидан олдин бажарилди.

«Ташсельмаш» заводи коллективи ҳамиша янгилик қидиради. Шунинг учун ҳам бу заводни эксперименталторлар корхонаси деб айтишади. Заводда ўнлаб конструкцияларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, булардан энг яхшиларининг ижодкорлари Ленин мукофотига ва Давлат мукофотларига сазовор бўлди. Машиналар эса халқаро ва Бутуниттифоқ виставкаларида олтин медаллар билан тақдирланди. Юзлаб машинасозлар СССР орденлари билан мукофотланди.

Ўз сафларида қирқ миллат вакили бўлган коллектив бир оиланинг фарзандидек аҳил меҳнат қилмоқда. Уларни кўзланган мақсаднинг муштараклиги бирлаштириб турибди. Бугунги кунда улар завод маркасининг шуҳрати учун курашмоқдалар. Завод конструкторлари ва технологлари, олимлар лабораторияларда мана шу соҳада иш олиб бормоқдалар. Ихтирочилар ва рационализаторларнинг жамоат кўриклари ва конкурслари ҳам шунга бағишланган. Ҳар бир ишчи машинада Давлат сифат белгисини кўриш учун интилишни ўзининг энг яхши орзуси деб билади.

— Биз ишлаб чиқараётган машиналар, — дейди «Ташсельмаш» заводининг бош конструктори Александр Сергеевич Муравьев, — бутунлай янги машиналар бўлиб, улар узлуксиз такомиллаштирилмоқда. Биз ишлаб чиқараётган машиналарнинг Америка машиналаридан кескин фарқи шундаки, бизнинг машиналаримиз яхши очилган пахтанигина саралаб теради.

Музейнинг жамоатчи ходимлари ва «Ташсельмаш» заводининг пойдеворини қўйган ишчилар — цех мастери Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Юсупов, кекса инженер Л. Б. Эвенштедт ва бошқа ветеранлар навбатдаги экскурсияни ўтказар эканлар, «100 минг» рақамини тилга олишни унутмайдилар. Саккизинчи беш йиллик охирига қадар шунча машина ишлаб чиқарилди. Тўққизинчи беш йилликда пахта терадиган машиналар ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар кўпайтириш кўзда тутилган. Янги конструкциядаги қирқ мингга яқин агрегат тайёрланади.

Мамлакатнинг турли районларидаги ўнлаб тадқиқот ва лойиҳа институтлари машиналарни ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда заводга кўмак бермоқда. Бу ерга РСФСР, Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйи республикаларидан, Қозоғистон, Қирғизистондан моторлар, комплекс буюмлар, турли деталлар, технология ускуналари тўхтовсиз келиб турибди. Ташсельмашчилар ҳам қарздор бўлиб қолишаётганини йўқ. Улар барча пахтакор республикаларга машиналаргина эмас, ана шу машиналарнинг деталларини, турли асбоблари, штамповкаларни, чўян қуймаларини етказиб бермоқдалар.

Р. ГРИШИН,
Ўзбекистон информация агентлигининг мухбири.

ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ҚАРШИ ЎТ ОЧАЙЛИК!

ЗАҲАРКИ, ДАҲШАТ...

Спиртли ичимлик бошқа оғуларга қараганда шундай фирибгарки, аввало у кишига ҳамдард, яъни дўст бўлиб кўринади, бинобарин, одам унга ўрганиб боради. Кейин ичкиликнинг иккинчи «ҳислати» кўринади, яъни бугунги миқдор эртага камлик қилади. Чунки киши аввалгидек кайф қилолмайди. Демак, миқдор 100 граммдан 200 граммга, 300 граммдан 400 граммга... ошиб боради. Ярим литр ва ундан ортиқ ичадиган «мардлар» пайдо бўлади.

Нега шундай?

Организм шу тарзда яратилганки, унинг ҳимоя воситалари кишига 100 йил, қаттоки ундан ортиқ яшаш имконини беради. Агар, масалан, организмга, яъни меъдага бирор ёт нарса кириб қолса, соғлом киши ўқчийди, қайд қилади. Бу бош мия ва жигарнинг посбонлик фаолиятидир. Биринчи марта 100 грамм ичилганда, организм башарти соғ бўлса, киши одатда ўқчийди, сўнг қайт қилиб ташлайди. Шу йўл билан организм заҳардан қутилади, ўзини енгил сезади. Агар спиртли ичимлик қумга сингигандек йўқ бўлиб кетаверса, яъни кишининг кўнгли айнимаса, қайт қилмаса, демак, жигар ўз ҳушёрлигини йўқотган бўлади. Мана бир мисол. Икки дўст яримтани «тинчитишади». Аммо бири ҳушёр, ҳеч нима бўлмагандек ўз йўлидан кетяпти. Иккинчи ўртоқнинг эса бошқа айланади-ю, ранги қув ўчиб кетади, кўнгли айниб, қайт қилади. Халиги «мард» ўртоғини бу аҳволда кўриб: «Эй, мазанг йўқ, енгил экансан-ку», дейди.

Тиббий жиҳатдан эса аксинча. Маст бўлмаган «мард»нинг ичаверганидан мияси, жигари ишдан чиққан. Ҳалиги «енгил» эса соппа-соғ организмли кишидир. Унинг организми ҳали заҳарланмаган, топ-тоза ва асил. Шунинг учун ҳам у ёт нарсани ўша заҳотиёқ қайт қилиб ташлади, заҳардан қутулди. Энди шу йигит эртасига яна ичса, афсуски, қайт қилмай қолиши мумкин...

Энди спиртли ичимликнинг одам танасида ҳосил қилган «ағдар-тўнтар»ларидан эшитинг. У бамисоли бўрон, селга ўхшаб бутун тўқима ва ҳужайраларни таг-томири билан кемириб ташлайди. Маълумки, одам танасида деярли барча кимёвий элементлар учрайди, аммо бир қатра бўлса ҳам спирт моддаси йўқ. У организмга мутлоқ зид ва ёт нарсадир. Агар спиртли ичимлик организмга мажбуран қуйилаверар экан, нозик ҳужайралар, биринчи навбатда нерв системаси тубдан бузилади. Бинобарин, бош миянинг иш фаолияти ўзгаради, организм бебош бўлиб қолади, изидан чиқади. Киши аввало зукко ақл-фаросатдан, шарм-ҳаёдан маҳрум бўлади. Назорат маркази фалажга учрайди. Буларнинг ўрнини жаҳл, жаҳолат эгаллайди, бинобарин, жиноят, фожиаларнинг эшиги ланг очилади. Бўлмаса, тўрт боланинг онаси бадмаст эридан калтак еб, касалхонага тушмасди. Башорат хола маст — бамисоли бир девона ўғлидан қочиб, кўшнисиникига беркинмасди. Ота ўғлига, бола отасига қўл кўтармасди. Маст шофёр одам босмасди... Рашк... Мастликда рашк туйғулари бирам аламга кирадики, иш қўйди-чиқди, кўпинча фожиа билан тугайди.

«Ақл одамнинг тожидир» дейишади. Спиртли ичимлик ақлнинг, одам тожининг ашаддий кушандасидир. Спиртли ичимликни кишига биров мажбур қилиб ёки оғзига қуйиб ичирмайди. Қизиғи шундаки, ўзи ўз қўллари, ўз хоҳиши билан заҳар ютади. Демак, билатуриб, кўратуриб, ўз ақлини, бошидаги тожини ўзи поймол этади.

Спиртли ичимликнинг таъсири фақат нерв системаси билан чегараланмайди. Жигар буйрак, юрак ва безларни жойидан кўзғатиб, омонат қилиб қўяди. Жигар ўз ҳужайраларидан маҳрум бўлади. Буйракда ҳам шу аҳвол. Энди унга сийдик ҳайдаш амри маҳол. Юрак мушак толалари бўшашади, пўк бўлиб қолади ва бўртади. Энди у тез ва ихчам ишлай олмайди. Ошқозон ости бези шикастланиши натижасида шира ажратолмай қолиши мумкин ва қанд касали хавфи туғилади.

Одатда бадмасталарда бутун балолар бирлашади, бирга учрашади. Соч-соқол ўсган, юз файзсиз, кўз таги кўкарган. Кийим-кечак бут эмас, тугмачалари йўқ...

Афсус, одам ўзига ўзи қилади, дунёга келиб ўйнаб-кулмайди, халққа хизмат қилолмайди, ўз ихтиёри билан фирибгар қўлига тушиб қолади.

Бундай ҳодисалар камдан-кам учраса-да, барибир, одам учун, оила учун, жамият учун кони зарардир. Шуларни ҳисобга олиб, ичкилик ва ичкиликбозликка қарши партия ва ҳукуматимиз тегишли қарор қабул қилди. Бу борада амалга ошириладиган қатор тадбирлар ичкиликбозликни йўқ қилишга имкон беради. Энди гап сиз билан бизда. Ичкиликнинг жилови қўлда экан, уни одамлардан йироқ қилайлик.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидати.

шундай хулосага келиш мумкин. Чунончи Қишлоқ қурилиши министрлигининг Нукусдаги 12-трести коллективи рўй берган қийинчиликларни шараф билан енгабориб, йилнинг дастлабки уч ойлик планини бажарган бўлса, шу министрликнинг Сирдарёдаги 22-трести планни атиги 63 процент бажарди ва йўл қўйилган қолоқликка қанузгача барҳам берилгани йўқ. Маълумки, Қорақалпоғистонда қиш Сирдарё областидагига қараганда анча қаттиқ келди ва чўзилиб кетди. Бутун сир шундаки, Нукус қишлоқ бинокорлари табиатнинг инжиқликларига юксак даражадаги уюшқоқликни қарама-қарши қўя билдилар.

Партия комитетлари, касаба союз ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари қурилиш майдонларида меҳнатни ва ишларни ташкил этиш практикасини қайта кўриб чиқмоқлари, бинокорларга юқори унумли меҳнат қилишлари учун, ҳар бир участкада, ҳар бир иш жойида иш нормалари ошириб бажарилиши учун шарт-шароитлар ҳамма жойда яратиб берилиши борасидаги барча зарур чораларни кўрмоқлари керак. Меҳнат интизоми бенуқсон йўлга қўйилган ва ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкаларида қатъий тартиб ўрнатилган, топширилган иш учун ҳар бир киши юксак даражада масъулият ҳис этган тақдирдагина иш вақтидан тўла ва самарали фойдаланилиши мумкин.

Ҳамма вақт бўлганидек ҳозирда ҳам биз учун қурилиш ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкалари муҳим ва баббаравар қимматлидир. Бироқ тўққизинчи беш йилликда халқ истеъмоли учун товарлар ишлаб чиқаришни кескин суратда кўпайтириш керак, шу сабабли енгил саноат ва озиқ-овқат саноати корхоналарини қуриш ва реконструкция қилиш хўжалик ва партия органларидан уларга алоҳида диққат-эътибор беришни талаб қилади. Шунга қарамай бу тармоқларда қурилиш суръатлари қануз КПСС XXIV съезди талабларига жавоб бера олмаётир.Асосий фондлар, ишлаб чиқариш қувватлари, маблағларни ўзлаштириш планлари кўпгина корхоналарда бажарилмаётир.

Чунончи Қўқондаги 15-қурилиш трести беш йиллик Директиваларида кўрсатилган муҳим объектни, хиром чарм ишлаб чиқариш заводини қураётган бўлса ҳам ярим йиллик планни фақат 41 процент бажарди, июнь ойида эса май ойдагига қараганда деярли икки баравар камроқ маблағ ўзлаштирилди. Қурилиш ишчилар билан таъминланмаган, ишлаб турганлари эса уюшқоқсизлик орқасида ярим қуч билан ишлашяпти. Трест партия комитети ва раҳбарлари қурилишда ишлар муттасил кейинга қараб кетаётганлигига тоқат қилиб келмоқдалар. Қўқонда муҳимлиги жиҳатидан кам бўлмаган яна бир қурилишни — ёғ-мой комбинатидаги данак хом-ашёсини қайта ишлаш цехини эсдан чиқариб қўйишди. Бу ерда ишларнинг суръати июнь ойида ҳам пасайиб кетди. Деновдаги ёғ-экстракт заводи, Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси, Марғилондаги «Атлас» фирмаси, Красногвардейск вино комбинати қурилишида ва бошқа баъзи объектларда ҳам аҳвол худди ана шундай.

Бу қурилишлардаги ишларнинг аҳволи учун асосий жавобгарлик қурилиш, монтаж ва махсус қурилиш ишлари, енгил саноат, озиқ-овқат саноати, пахта тозалаш,гўшт ва сут саноати, маҳаллий саноат министрликлари ва «Главташкентстрой» зиммасига тушади. Уларнинг коллегиялари ва бошқарма аппаратлари назорат қилмай қўйганликлари шунга олиб келдики, чунончи енгил саноатнинг 22 та қурилишидан 12 тасида ярим йиллик план бажарилмай қолди. Бу эса таъминлаштирувчи факт бўлиб, раҳбарликнинг услуби, принципларига ва методлари ҳақида, республикадаги баъзи хўжалик органлари бошқарма аппарати ташкилотчиларининг масъулият даражаси тўғрисида жиддий фикр юритиш учун муҳим асос бўла олади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси яқинда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқлардаги объектлар қурилиши қандай бораётганлигини муҳокама қилиб, министрликлар зиммасига ишлаб чиқариш қувватларининг ҳаммасини уй-жой, болалар муассасалари комплекси билан бирга ишга туширишни топшириқларини бу йил бажаришни таъминлаш ва шу мақсадлар учун ажратилган маблағларни тўла-тўкис ўзлаштириш мажбуриятини юклади.

Енгил саноат, Озиқ-овқат, Пахта тозалаш, Маҳаллий, Гўшт ва сут саноати министрликлари буюртмачилар сифатида қурилиш ва монтаж ташкилотларининг раҳбарлари билан биргаликда қурилаётган ҳар бир объектнинг аҳволини синчиклаб ўрганиб чиқишга, уни ишга туширишнинг минимумини, ҳар қайси ишларнинг бажарилиш муддатларини, ускуналар, материаллар етказиб бериш муддатларини белгилаб беришга даъват этилганлар. Партия комитетлари бу қурилишларни ўзларининг алоҳида назоратларига олишлари, уларнинг коллективларини қийинчиликларни бартараф этишга йўллашлари, ишни графиклардан илдамроқ олиб боришлари керак.

* * *

Ўзбекистон «оқ олтин» республикасидир. Бу қимматли экинни етиштириш республиканинг социалистик меҳнат тақсимоти системасидаги ўрнини белгилаб беради ва мамлакатимиз пахтачилик комплексини ривожлантиришга йил сайин тобора кўпроқ маблағлар ажратмоқда. Ирригация-мелиорация қурилиши — пахтачиликни интенсивлаш учун курашнинг энг муҳим участкаси бўлиб, муттасил мўл ҳосил етиштиришни, янги ерларни ишга туширишни, далаларни сув билан таъминлашни яхшилашга имкон беради.

КПСС XXIV съездининг Директиваларида Ўзбекистоннинг ирригация қурилишини ривожлантиришга катта ўрин берилган. Бу қурилишлар партия, совет органларидан, хўжалик раҳбарларидан уларга алоҳида эътибор беришни талаб қилади. Шунга қарамай ишларнинг суръати ҳақли равишда ташвиш туғдиряпти. Андижон сув омбори қурилишига ажратилган маблағлар сусткашлик билан ўзлаштирилмоқда, бу қурилишда биринчи ярим йиллик план атиги 80 процент бажарилди. Туямўйин гидроузелининг қурувчилари 3 миллион сўмдан кўпроқ маблағни муддатида ўзлаштира олмадилар.

Умуман республикада суғориладиган ерларни ишга туширш йиллик плани 6 ой мобайнида фақат 92 процент бажарилди, Бухоро, Сирдарё, Самарқанд областларида эса бундан ҳам кам бажарилди.

Область партия комитетлари кейинда қолиш сабабларини пухта ўрганишлари, ирригация-мелиорация қурилишига ажратилаётган маблағлардан тўла фойдаланишни таъминлайдиган чораларни кўрмоқлари керак.

Чорвачилик бинолари ва комплекслари ҳамда бошқа ишлаб чиқариш ва қишлоқдаги маданий-маиший бинолар қурилиши ҳам муттасил диққат-эътибор беришни талаб қилади. Қишлоқ қурилиши министрлиги коллегияси қишлоқ хўжалик объектлари қурилишининг суръати ва сифати учун трестлар ва кўчма механизациялашган колонналар раҳбарларининг масъулиятини оширмоғи керак. Қишлоқ меҳнаткашлари учун уй-жой бинолари, маданий-маиший муассасалар қуришни жадаллаштириш, сув ва газ қувурлари ётқизиш ва энергетика системалари ўтказишни тезлаштириш зарур. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати хуторлар системасини тугатиш ва қишлоқ посёлкаларини обод қилиш юзасидан программа белгилаб берганликлари муносабати билан бу ишларнинг аҳамияти айниқса ортади. Ҳар бир коммунистда қишлоқдаги ҳар бир меҳнаткашда ана шу тадбирларни бажариш учун шахсан жавобгарлик ҳис-туйғуси бўлиши лозим. «Узколхозстрой» ҳар қачондагига қараганда кўпроқ ғайрат кўрсатиб кенгроқ миқъёсда иш олиб бориши, қишлоқда қурилишнинг индустриал методларини тўлароқ жорий этиши керак.

Биз жуда кўплаб ва келажакни кўзда тутиб қураётгирмиз. Янги уй-жой кварталлари, корхоналар, колхозлар ва совхозларнинг посёлкалари кўзни қувонтиради. Шунга қарамай ташқи жиҳатдан кўримсиз бинолар ва иншоотлар, қурилиш ишлари ёмон бажарилганлиги ҳали учраб туради. Яқинда «Правда» газетаси Ўзбекистонда лойиҳалаш практикасини ҳақли суратда танқид қилди. Дарҳақиқат бу ишда жиддий камчиликлар бор ва биз лойиҳалашнинг сифатини ошириш ва жадаллаштиришни учун кескин кураш олиб бормоғимиз зарур. Чунончи ГПИ-4 лойиҳалаш институти ҳужжатларни етказиб бериш муддатларини муттасил бузаётганлиги ва бунинг устига баъзан эскирib қолган технологиини асос қилиб олаётганлигини нормал бир ҳол деб ҳисоблаш мумкинми, ахир. Айрим лойиҳалаш ташкилотлари бинолар ва иншоотларнинг ташқи архитектураси қиёфаси тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаётирлар.

Биз бир йилни кўзлаб қураётганимиз йўқ, шу сабабли ҳамма нарса кўркам ва пухта бўлиши керак. Партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари брак қилувчиларга нисбатан қаттиқ талабчан бўлмоқлари, уларга нисбатан жамоатчиликнинг муросасизлик муҳитини вужудга келтирмоқлари, ёмон бажарилган иш учун қатъий жазо муқаррарлигини кишилар қалбига етказмоқлари керак.

Ҳозирги вақтда беш йилликнинг учинчи йилига мўлжалланган халқ хўжалик плани ишлаб чиқилмоқда. Бу планда капитал қурилишни планлаштиришда йўл қўйилган хато ва камчиликларни ҳисобга олиш, уларни келгусида такрорламаслик жуда муҳимдир. Планда келгуси йил ишга туширилиадиган қурилишларнинг тасдиқланган қурилиш комплекслари билан боғлиқ бўлган ҳамма эҳтиёжлари ҳисобга олиниши лозим. Импорт ускуналар билан барпо этилаётган қурилишларни моддий ресурслар билан тўла таъминлаш ва уларни ишга туширишни бутун чоралар билан жадаллаштиришга алоҳида эътибор бериш даркор.

Бинокорлар олдида ана шундай катта вазифалар турибди. Йил охирига кўпгина уй-жой бинолари, болалар муассасалари, йирик ва техникавий жиҳатдан мураккаб корхоналар ва объектлар, айниқса, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона ва объектларни ишга туширш керак. Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор: қудратли қурилиш индустрияси, энг янги қурилиш техникаси, энг муҳими эса тажриба орттирган малакали кадрлар мавжуд. 22 минг кишидан иборат комсомол қурилиш отряди уларга ёрдам бериш учун республика қурилишларига келди. Бу эса жуда катта мадад. Хўжалик раҳбарлари комсомол юборган ёшларга ҳар тарафлама ғамхўрлик қилишлари, уларнинг самарали меҳнат қилишлари ҳамда маданий дам олишлари учун энг яхши шарт-шароитлар яратиб беришлари керак. Уларнинг ёрдамидан, куч-ғайрати ҳамда меҳнат ташаббускорлигидан максимал даражада самарали фойдаланиш керак.

Ҳозирги вақтда вазифа шундан иборатки, партия, совет, касаба союз, хўжалик ва комсомол ташкилотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уни бошқариш даражасини оширмоқлари, меҳнат коллективларининг куч-ғайратини тўққизинчи беш йиллик иккинчи йили капитал қурилиш планларини, СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга муайян мақсадни кўзда тутиб моҳирлик билан сафарбар этмоқлари керак.

«Тахиаташгидроэнергострой» бинокорлари яқинда қимматли ташаббус билан майдонга чиқдилар. Улар зиммаларига юксак мажбурият олиб, беш йилликнинг бир қанча йирик қурилишлари бинокорларини мусобақага чақирдилар. Ана шу мусобақанинг кучидан моҳирлик билан фойдаланиш ва уни ҳамма ўчасткаларидаги ишларни жадаллаштиришга, барча ишлаб чиқариш-иқтисодий кўрсаткичларни оширишга қаратиш зарур.

«Главмосстрой»нинг Н. А. Злобин бошчилик қилаётган комплекс бригадаси бригада хўжалик ҳисобининг янги формасини жорий этди. Бу эса меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, қурилиш муддатларини қисқартириш ва унинг сифатини оширишнинг жуда қимматли воситаси бўла олади. Шунга эришмоқ керакки, республика хўжалик органлари ва партия ташкилотлари ана шу илғор тажрибани кенг оммалаштирсинлар, меҳнатни ташкил этиш, ишларни ado этиш ва моддий техника билан таъминлашни ташкил этишни яхшилашга алоҳида эътибор берсинлар.

Одамларга меҳрибонлик билан муносабатда бўлиш, кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни моҳирлик билан тарбиялаш, меҳнат қилиш ва дам олиш учун нормал шарт-шароитлар яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ишлаб чиқаришда меҳнаткашларнинг самарали ишлаши, муқим ишлаб қолишининг тамомила зарур шартидир. КПСС XXIV съездида таъкидлаб ўтилганидек, бизга юксак сиёсий онглиликни яхши профессионал тайёргарлик билан қўшиб олиб борадиган, экономика ва маданиятни ривожлантириш масалаларини ишнинг кўзини билиб ҳал этишга қодир, бошқаришнинг замонавий методларини эгаллаган кишилар керак. Бинокорлик, монтаж, лойиҳалаш ташкилотлари ва саноат корхоналарининг коллективлари партия ташкилотлари раҳбарлигида беш йиллик иккинчи йилига ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ado этадилар, КПСС XXIV съезди қарорларини бажаришга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Бунга сира шак-шубҳа йўқ.

ФАЛАСТИН ОЗОДЛИК ТАШКИЛОТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ СССРда БЎЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги совет комитетининг таклифига биноан Фаластин озодлик ташкилоти делегацияси 17 июлдан 27 июлгача Совет Иттифоқида бўлди. Шу ташкилот ижроия комитетининг раиси Ясир Арафат делегацияга бошчилик қилди. Делегация составида Фаластин озодлик ташкилотига бирлашган Фаластиндаги асосий ташкилотларнинг раҳбар арбоблари бор эди.

Меҳмонлар Москвадан ташқари Ленинградга бордилар. Улар совет жамоатчилиги вакиллари билан учрашдилар, совет халқининг коммунистик жамият қуриш планларини амалга ошириш соҳасида эришган муваффақиятлари билан танишдилар.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги совет комитети билан Фаластин озодлик ташкилоти делегацияси ўртасида музокаралар олиб борилди. Музокаралар вақтида Яқин Шарқдаги ҳозирги аҳвол ва Фаластиндаги қаршилик кўрсатиш ҳаракати тўғрисида, шунингдек империализмга қарши, Исроил томонидан босиб олинган Араб территорияларини озод қилиш учун курашда ҳамкорлик ва бирдамликни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Фаластин озодлик ташкилоти делегацияси Фаластиндаги қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг империализмга ва Исроил агрессиясига қарши, Фаластиндаги араб халқининг қонуний миллий ҳуқуқларини тиклаш учун олиб бораётган кураши тўғрисида ахборот берди. Делегация арабларнинг миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаётганлиги учун ва Фаластиндаги араб халқларининг манфаатини ифода этувчи Фаластин озодлик ташкилотига бераётган ёрдами учун совет халқига ташаккур изҳор қилди.

Делегация Совет Иттифоқининг араб халқларига, шу жумладан Фаластиндаги араб халқига бераётган ёрдами арабларнинг Исроил агрессиясига қарши, озодлик ва социал тараққиёт йўлида муваффақиятли кураш олиб бориши учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Шу муносабат билан Фаластин озодлик ташкилотининг вакиллари империалистик ва реакцион доираларнинг Араб мамлакатларидаги миллий озодлик кучлари билан Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар ўртасидаги дўстликни бузиш йўлидаги ҳар қандай уринишлари араб халқларининг манфаатларига тамомила зид эканлигини айтдилар.

Фаластин озодлик ташкилотининг делегацияси Яқин Шарқда империализм ва реакциянинг араблар миллий озодлик ҳаракатини бостиришга ва Фаластиндаги қаршилик кўрсатиш ҳаракатини тугатишга қаратилган ҳуружи кучайиб кетганлигини уқтириб ўтди. Делегация империализмга, сионизм ва реакцияга қарши курашмоқ учун Араб мамлакатларидаги барча тараққийпарвар ва демократик кучларнинг бирлигини мустаҳкамлаш йўлини ўтказишга қатъий қарор берганлигини билдирди.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги совет комитетининг вакиллари империалист сионистларнинг араб халқларига қарши давом эттирилаётган агрессиясини, Исроил ҳарбийларининг 1967 йилда босиб олинган Араб территорияларидаги жиноятларини қатъий қораладилар. Улар Фаластиндаги араб халқининг босқинчиларга қарши олиб бораётган ҳаққоний курашига юксак баҳо бердилар, Фаластиндаги қаршилик кўрсатиш ҳаракати империализмга қарши озодлик ҳаракати эканлигини, жаҳондаги барча антиимпериалистик тараққийпарвар кучлар бу ҳаракатни самимий ҳайрихоҳлик билан қўллаб-қувватлаётганлигини таъкидладилар.

Фаластин озодлик ташкилоти делегацияси кейинги вақтларда Фаластиндаги қаршилик кўрсатиш ҳаракати сафларини жипслашаётганлиги ва империализмга қарши прогрессив асосда бу ҳаракат бирлиги мустаҳкамланаётганлиги тўғрисида ахборот берди.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги совет комитетининг вакиллари совет халқи Фаластиндаги қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг империализмга, реакцияга ва Исроил агрессиясига қарши, Фаластиндаги араб халқларининг қонуний ҳуқуқлари учун олиб бораётган ҳаққоний курашига бундан буён ҳам ёрдам бераверади, деб таъкидладилар.

Жаҳон бўйлаб

ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 27 июль. (ТАСС). Жанубий Вьетнамдан олинган хабарларга қараганда, Куангчи шаҳрида шиддатли жанглар давом этмоқда. Сайгон қўмондонлиги ярим вайрона ҳолига келиб қолган шаҳар қўрғонига янги десант батальони туширди. Қўғирчоқ қўшинлар қўмондонлигининг Хюэдаги вакили айтган гапга қараганда, қўрғон ичида қаттиқ жанг бўлмоқда. Халқ озодлик қуролли кучлари шаҳар кўчаларида Сайгон қўшинларининг қисмлари билан жанг олиб бормоқдалар. АҚШ авиацияси Куангчини, унинг теварак-атрофларини кетма-кет ёпирилиб бомбардимон қилиб турибди. Халқ озодлик қуролли кучларининг артиллерияси Куангчининг шимоли ва жанубида душман позицияларини ўққа тутмоқда.

Ватанпарварлар жанубий Вьетнамдаги энг катта шаҳарлардан Бир-Хюэ атрофидаги халқасимон жойлаштирилган ҳарбий базаларга зарба беришни давом эттирмоқдалар. Марказий ясси тоғликдаги Контум шаҳрида қўғирчоқ режим қўшинлари турган жойларга ракеталар ёғдирилди. Америка ҳарбийҳаво кучларининг «В-52» стратегик бомбардимончи самолётлари Жанубий Вьетнамнинг озод қилинган районларига осмондан ҳужум қилмоқда. Ватанпарварларнинг Сайгон қўшинлари истеҳкомларига қилаётган ҳужумлари кейинги кунларда айниқса кучайтирилган Меконг дельтасидаги Диньтионг вилоятининг ўзига ана шу самолётлар кеча 550 тонна бомба ташлади.

Халқ қуролли кучлари душманнинг Биндин вилояти соҳилида озод қилинган районларга бостириб кириш йўлидаги уринишларини қайтариб турибдилар. ЮПИ агентлигининг шу ердаги мухбири ёзган хабарга кўра, бугун эрталаб бўлиб ўтган шиддатли жанглардан кейин Сайгон қўшинларининг етти минг кишидан ортиқ десанти денгиз соҳили яқинида қўршовга тушиб қолди. Ватанпарварлар 1-рақамли йўлдаги позицияларни эгаллаб олиб, душманни ўз базаларидан ажратиб қўйдилар.

ХАНОЙ, 27 июль. (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари 18 ва 19 июль кунлари марказий ясси тоғликдаги Контум вилоятининг маркази атрофида Сайгон қисмларига қарши жанг олиб бордилар. Ватанпарварлар қўшни Плейку вилоятининг марказидан Контумга бораётган ҳарбий машиналарнинг катта колоннасига ҳужум қилдилар. Озодлик матбуот агентлигининг маълумотларига қараганда, озодлик кучлари икки кун ичида душманнинг салкам 400 солдатини сафдан чиқардилар, 5 та самолёт ва вертолётини уриб туширдилар, кўп миқдордаги қурол-яроғларини ўлжа қилиб олдилар.

ВДР. АҚШ авиацияси Шимолий Вьетнамнинг ўнларча йил мобайнида қурилган дамбалари ва шлюзаларини бетўхтов бомбардимон қилмоқда. Суратда: АҚШ авиацияси томонидан бузиб юборилган Хабак вилоятидаги ирригация канали участкасида.

ВИА-ТАСС фотоси.



СЕНЕГАЛ ҳукуматининг илтимоси ва келишилган иқтисодий ҳамкорлиқка биноан Сенегалда совет геологлари ишламоқда, улар олтин конларини разведка қилишмоқда. Мамлакатнинг шарқий территориясида олиб борилган катта тадқиқот ишлари натижасида дастлабки ижобий натижаларга эришилди. Суратда: пармалаш бош мастери Дуду Фаль (ўнгда), мастерлар Усмон Мане ва Мамаду Дембалар совет геологлари ёрдамида ўзи юрар пармалаш уснунасини пухта ўзлаштириб олдилар.

Ю. Федутинов фотоси. (ТАСС).

ИШЧИЛАР БИРДАМЛИГИНИНГ ҒАЛАБАСИ

ЛОНДОН, 27 июль. (ТАСС). Англиянинг консерваторлар ҳукумати мамлакат ишчилар синфи билан тўқнашувда яна бир марта мағлубиятга учради. «Саноат трибунали» Лондон докерларидан касаба союзларига қарши қаратилган қонунга мувофиқ турмага ташланган беш кишини озод этиш тўғрисида қарор қабул қилишга мажбур бўлди.

Британия тред-юнионлари бош кенгаши мажлисидан бир неча соат кейингина трибунал қарор қабул қилди. Бош кенгашнинг ана шу мажлиси овозларнинг кўпчилиги билан докерларни қўллаб-қувватлаш учун 1926 йилдан кейинги даврда Британия оролларида биринчи марта умумий забастовка ўтказиш ҳақида қарор чиқарди.

Умумий забастовкани кейинги ҳафтанинг якшанба куни ўтказиш мўлжалланган эди. Аммо қамоққа олинган докерлар билан бирдамлик юзасидан ғайри расмий стачкалар докерлар турмага ташланиши билан бошланди. Англиянинг ҳамма энг катта портлари — Лондон, Ливерпуль, Глазго, Халлда ишлар тўхтатиб қўйилди. Якшанба кунидан бери Лондонда бирорта ҳам миллий газета чиқмаётир. Кеча норозилик билдириш учун ўтказилган забастовка натижасида Лондоннинг энг катта Хитроу аэропортида ишлар тўхтаб қолди. Англия пойтахтида автобуслар қатнамай қўйди. Автомобилсозлар ишга чиқмадилар, балиқ овловчи кемалар ўз жойидан қўзғалмади, шахтёрлар яшайдиган районларда бирдамлик намойишлари бошланди.

Ҳукумат докерларни турмага қамаб, келгусида ҳам «бўйсунмаган» ишчиларни турмага ташлаш учун бир баҳона топишга умид боғлаган эди. Аммо инглиз ишчилар синфининг бирлиги ва бирдамлиги консерваторларни чекинишга мажбур этди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ЛОНДОН. Британия оролларида яшовчи аҳоли кўпчилигининг манфаатларига хилоф суратда Англия парламентининг лордлар палатаси Англиянинг «Умумий бозор»га кириши тўғрисидаги қонун лойиҳасини тасдиқлади. Ҳукуматнинг қонун лойиҳаси королича Елизавета II томонидан расман маъқулланганидан кейин (тахминан бир ойдан кейин) кучга киради.

Жамоатчилик фикрини билиш учун тарқатилган саволларга берилган жавоблар Англия аҳолисининг қарийб учдан икки қисми мамлакатнинг «Умумий бозор»га қўшилишига қарши чиқаётганлигини кўрсатади.

◆ БЕРЛИН. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети ва Германия Демократик Республикасининг Министрлар Совети Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг Москвада бўлиб ўтган XXVI сессияси натижаларини маъқуллади ва республикадаги давлат ҳамда хўжалик органларига сессия қарорларини бажариш учун тегишли чоралар кўришни топшириди.

(ТАСС).

Редактор М. КОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
6 АВГУСТ КУНДУЗ СОАТ 3 ВА КЕЧ 8 ДА
7 АВГУСТ КЕЧ СОАТ 8 ДА
СССР ТАШКИЛ ТОПГАН КУННИНГ 50 ИЙЛЛИГИ ОЛДИДАН
СЕВИМЛИ ХОНАНДАЛАР ДАВРАСИ
КОНЦЕРТДА ҚАТНАШАДИЛАР:
Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Тамара ЮНУСОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Жуманазар БЕКЖОНОВ, Камтар ОТАБОЕВ, Уринбой НУРАЛИЕВ, Дилбар АБДУЛЛАЕВА;
Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Шерали ЖУРАЕВ, Дадахон ҲАСАНОВ, Ҳасан ИУЛДОШЕВ, Зайнобиддин ЮСУПОВ, Ғуломжон ҒОФУРОВ, Абдуллажон ҒОФУРОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ.
Программани — Ғулом ТОЖИ-АЪЛОЕВ олиб боради.
Билетлар сотилмоқда.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — ТОШКЕНТ. 10.10 — Валерка, Ромка (телевизион бадиий фильм). 10.30 — Дўстлик чаманзори. 11.00 — МОСКВА. 17.45 — ТОШКЕНТ. 17.50 — Болалар учун кинофильм. 18.10 — Ахборот. 18.25 — Адабий театр. Ю. Шомансур «Райчарон». 19.15 — Ахборот. 19.30 — **Футбол: «Пахтакор» (Тошкент) — «Автомобилист» (Нальчик).** 21.15 — Рақсда — Карима Узоқова. 22.00 — Москва. 22.30 — ТОШКЕНТ. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи ақлнинг кўзи»». 23.30 — Раъно Шарипова куйлайди. Фильм-концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.00 — ТОШКЕНТ. 10.05 — Қўғирчоқ фильм. 10.30 — Адабий топишмоқ. 11.00 — Яшил ракета (телевизион ҳужжатли фильм). 11.15 — Кичик қочоқ (бадиий фильм). 12.50 — Фильм-концерт. 12.45 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. КПСС XXIV съезди қарорлари ҳаётга. Аҳолига кўплаб мollар. 22.15 — Реклама. 22.30 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.15 — Душанба кўрсатади.

РАДИО БУГУН

6.15 — Тонгги концерт. 7.40 — Г. Жўраева ва Н. Холхўжаева шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 8.25 — Лирик концерт. 9.30 — Москва. «Ер ва эл» радиожурнали. 10.25 — Бахт қўшиқлари. 11.15 — «Дугоналар» радиожурнали. 12.15 — Музикали радиопочта. 13.30 — Бадиий ҳаваскорлар концерти. 15.20 — «Правда» газетасининг обзори. 15.30 — «Ижодиёт ўлкамда» радиожурнали (русча). 16.10 — Завқий лирикаси. 17.20 — Уйғур куйлари. 17.50 — Партия ҳодими минбари. «Чорвачилик истиқболлари» Жизах район партия комитетининг биринчи секретари Э. Исломов сўзи. 18.00 — Чўлқуварлар учун концерт. 18.40 — Спорт эшитириши. 19.20 — Иттифоқчи республикалар санъат усталарининг концерти. 20.30 — **Футбол. «ПАХТАКОР» — «АВТОМОБИЛИСТ» (Нальчик).** «Пахтакор» стадионидан олиб эшитирилади. 21.15 — «Қишлоқ радиоклуби». 22.30 — А. Отажонов «Маҳтумқули» музикали драмасининг радиомонтажи.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Мессе фермасининг сири — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «КЎКЧА», «СЎЎТНИК». (кундуз ва кечқурун). «МОСКВА» (кундуз соат 12, 5 ва кеч 7 да).

Афсунгар пойгачи — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ», «ВОСТОК», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», (кундуз ва кечқурун). «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Садоқат (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Менинг исмим масхарабоз (3 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Аёл ҳаётидаги эркаклар — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Кулгили қиз — «ЧАПКА» (кундуз ва кечқурун).

Қамишзор — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Ференц Лист — «МОСКВА» (кундуз соат 2 ва кеч 8.40 минутда).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
БУГУН КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА
СССР биринчилиги учун биринчи лиганинг
«АВТОМОБИЛИСТ» (Нальчик) — «ПАХТАКОР» (Тошкент)
командалари ўртасида
ФУТБОЛ

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
29, 30 июль кеч соат 6 да
ШОДЛИК ВА КУЛГИ КЕЧАЛАРИ
Халқ сайили
ПРОГРАММАДА: оммавий ўйинлар, ҳажвия, латифалар, қизиқчиликлар, шаҳар халқ театри ва «БАЁТ» ансамблининг концерти ҳамда катта дор ўйинлари.

Узбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги
ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ
ҲУҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ
Техникум қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди: самолётсозлик, металларни қириб ишлаш, инструментлар ишлаб чиқариш, саноат ускуналари монтажи ва ремонт қилиш, машинасозлик саноатида планлаштириш.
Қабул қилиш тартиби ҳамма техникумлар учун умумийдир.
Ҳуқувчилар стипендия билан таъминланадилар.
Самолётсозлик мутахассислигига қабул қилинган ҳуқувчиларга ойига 45 сўмдан стипендия тўланади.
Техникум адреси: Тошкент-6, Кўйбишев кўчаси, 12-уй.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон Театр жамияти ва Мушкий номли Ўзбек Давлат музикали театри коллективи республика халқ артисти М. Юнусовга опаси
Адолат ОРТИҚОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

31 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ. 10.55 — Кўрсатувлар программаси. 11.00 — Болалар учун телефильм. 11.10 — **Жиблажибон армияси яна жангда** (бадиий фильм). 13.30 — МОСКВА кўрсатувлари.

ТОШКЕНТ. 17.55 — Кўрсатувлар программаси. 18.00 — Ўқувчилар учун эшиттириш. 18.30 — МОСКВА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Болалар учун ўзбек тилида телефильм. 19.25 — Совет Армияси жангчилари учун рус тилида кинофильм. 19.45 — Ахборот программаси. 20.00 — Оламда нима гап? 20.30 — Ахборот программаси. 20.45 — **«Менинг ўрнимга от»** (бадиий фильм). 22.00 — МОСКВА. 22.30 — Рангли телевидение. **Футбол бўйича СССР биринчилиги учун ЦСКА — «ЗЕНИТ» (Ленинград) учрашуви.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.20 — МОСКВА кўрсатувлари. 18.30 — ТОШКЕНТ. **«Қардошлар»** телевизион фильми. 19.00 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. «Спортлото»нинг бахтли олти рақами. 22.10 — Реклама. 22.30 — **«Саратон»** бадиий фильми (ўзбек тилида).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ДУШАНБА СТУДИЯСИ КЎРСАТУВЛАРИ.

1 АВГУСТ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ. 10.55 — Кўрсатувлар программаси. 11.00 — Болалар учун мультфильм. 11.10 — «Қизилқум» бадиий фильми. 12.30 — МОСКВА кўрсатувлари. 17.45 — ТОШКЕНТ кўрсатувлар программаси. 17.50 — Болалар учун мультфильм. 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Рангли телевидение: **ЦСКА — «ЗЕНИТ» (Ленинград) учрашувнинг иккинчи ярми** (ёзиб олинган). 19.45 — ТОШКЕНТ. Ахборот программаси. 20.00 — Ёш ижрочилар: А. Бозоров, Т. Ҳусанов. 20.45 — Ахборот программаси. 21.00 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. 21.30 — МОСКВА. 22.00 — **Футбол бўйича СССР биринчилиги учун «Динамо» (Киев) — «СПАРТАК» (Москва) учрашуви Киевдан олиб кўрсатилади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.35 — МОСКВА кўрсатувлари. 18.30 — ТОШКЕНТ. «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.15 — КПСС XXIV съезди қарорлари ҳаётга! — деган эшиттириш. 19.45 — МОСКВА. 21.30 — ТОШКЕНТ. **«Петр Соколовнинг раислик ҳаёти»** деган телефильм. 22.20 — **«Остонадан хатлаб»** бадиий фильми.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ. 20.00 — Телефильм. 20.50 — Телевизион спектакль. 22.10 — «Юрий Мазурок куйлайди».

2 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ. 10.50 — Кўрсатувлар программаси. 10.55 — **«Полвон ва масхарабоз»** бадиий фильми. 12.30 — МОСКВА кўрсатувлари. 17.55 — ТОШКЕНТ. Кўрсатувлар программаси. 18.00 — Кичкинтойлар учун эшиттириш. 18.30 — Мактаб кутубхона фонди. 19.00 — Ахборот программаси. 19.15 — МОСКВА. Рангли телевидение: **Футбол бўйича СССР биринчилиги учун «ТОРПЕДО» (Москва) — «ДИНАМО» (Москва) учрашуви. Уйиннинг иккинчи ярми (ёзиб олинган).** 20.30 — ТОШКЕНТ. Ахборот программаси. 20.45 — КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга! деган эшиттириш. 22.00 — МОСКВА. 22.30 — ТОШКЕНТ. «Марҳабо талантлар» ҚҚАССР бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти (такрорий кўрсатув).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.15 — МОСКВА кўрсатувлари. 19.15 — ТОШКЕНТ «Старшеклассник» программаси. 19.55 — Фильм-концерт. 20.30 — МОСКВА кўрсатувлари.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ. 20.00 — **«Учовлон»** бадиий фильми. 21.40 — Телевизион спектакль. 22.45 — Фильм-концерт.

3 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ. 10.55 — Кўрсатувлар программаси. 11.00 — Болалар учун телефильм. 11.20 — **«Ғалати гаров»** бадиий фильми. 12.30 — МОСКВА кўрсатувлари. 17.55 — ТОШКЕНТ. Кўрсатувлар программаси. 18.00 — «Юлдузча» телевизион журнали. 18.40 — Болалар учун кинофильм. 19.15 — КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга! — деган эшиттириш. 19.45 — Ахборот программаси. 20.00 — МОСКВА. 20.35 — ТОШКЕНТ. Ахборот программаси. 20.50 — «Ўзбекистон чорвадори» программаси. 21.20 — ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Қ. Шомансуров куйлайди. 22.00 — МОСКВА. 22.30 — ТОШКЕНТ. Рангли телевидение «Россия шу ердан бошланади» ҳужжатли фильми. 22.50 — **«Мардлар майдони»** бадиий фильми.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.25 — МОСКВА кўрсатувлари. 20.00 — ТОШКЕНТ. Мактаб кутубхона фонди. 20.35 — МОСКВА. **«Қилич ва гул»** бадиий фильми. 22.00 — «Здоровье» программаси. 22.30 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. **«Чукотка бошлиғи»** бадиий фильми. 21.30 — Телефильм. 21.55 — Фильм-концерт.

4 АВГУСТ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — ТОШКЕНТ. Кўрсатувлар программаси. 11.00 — Болалар учун телефильм. 11.15 — Ўзбек тилида бадиий фильм. 12.30 — МОСКВА кўрсатувлари. 17.55 — ТОШКЕНТ. Кўрсатувлар программаси. 18.00 — Спорт кўрсатуви. 18.40 — «Ёшлар ижоди» Л. Бобохонов. 19.45 — Ахборот программаси. 20.00 — МОСКВА. 20.30 — Ўзбек тилида «Коммунист» программаси. 21.00 — Ахборот программаси. 21.15 — Телевизион театр. А. Иброҳимов «Ёз ёмғири». 22.00 — МОСКВА. 22.30 — ТОШКЕНТ. Ботир Зокиров куйлайди. 23.10 — **«Эгнар булоғи»** бадиий фильми.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.20 — МОСКВА кўрсатувлари. 20.00 — ТОШКЕНТ. Врач маслаҳати. 20.15 — Граждан мудофаси ҳақида эшиттириш. 20.30 — МОСКВА. 22.00 ТОШКЕНТ. Ҳужжатли фильм. 22.30 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Балет кечаси. 20.40 — Телеспектакль. 21.30 — «Тўлқинда — 02». 22.00 — **«Гирдоб»** бадиий фильми.

5 АВГУСТ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — ТОШКЕНТ. Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Болалар учун мультфильм. 10.20 — Телевизион миниатюралар театри (ўзбек тилида). 11.00 — МОСКВА. 17.50 — ТОШКЕНТ. Кўрсатувлар программаси. 17.55 — «Старшеклассник» программаси 18.35 — Ахборот программаси. 18.50 — Рангли телевидение. «Оламга саёҳат». Ўзбек тилида киноқўрсатув. 19.50 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 20.40 — Ахборот программаси. 21.00 — «Олтин водий» программаси. 22.00 — МОСКВА. 22.30 — ТОШКЕНТ. Андижон область Охунбобоев номли театр артистларининг концерти. 23.30 — **«Таваккал»** бадиий фильми.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.00 — ТОШКЕНТ. **«Инки океан сири»** бадиий фильмининг 1-2 сериялари. 12.25 — Ҳужжатли фильм. 17.50 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. «Мангулиқка хатлар». Ўзбек тилида телефильм. 22.30 — МОСКВА кўрсатувлари.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ДУШАНБА ТЕЛЕСТУДИЯСИ КЎРСАТУВЛАРИ.

6 АВГУСТ, ЯКШАНБА

БУТУНИТТИФОҚ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.25 — ТОШКЕНТ. Кўрсатувлар программаси. 9.30 — Болалар учун кинофильмлар. 11.00 — МОСКВА кўрсатувлари. 17.10 — ТОШКЕНТ. Кўрсатувлар программаси. 17.15 — Ахборот программаси. 17.35 — Бутуниттифоқ темирйўлчилар кунига бағишланган кўрсатув. 18.35 — Ахборот программаси 18.50 — Телевизион миниатюралар театрининг такрорий кўрсатуви. 19.30 — МОСКВА кўрсатувлари. 22.30 — ТОШКЕНТ. Ўзбек куйларидан концерт. 23.00 — МОСКВА. Рангли телевидение: **Швеция ва СССР терма командалари ўртасида халқаро ўртоқлик учрашуви Швециядан олиб кўрсатилади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.00 — ТОШКЕНТ. **«Оловиддининг сеҳрли лампаси»** бадиий фильми (ўзбек тилида). 11.20 — Телефильм. 12.05 — **«Борьба, мен ва кўринмас одам»** бадиий фильми (рус тилида). 17.10 — МОСКВА кўрсатувлари. 19.30 — ТОШКЕНТ. тележурнал. 20.10 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — **«Берлин йўлида»** бадиий фильми. 22.30 — МОСКВА — 23.00 — ТОШКЕНТ. Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.10 — ФРУНЗЕ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТУВЛАРИ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: 700.000 ГСП. ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26, Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330 683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясина пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура — 337162, Эълонлар — 338142, Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд — 31—972, Термиз — 55—35, Урганч — 34—55, Фарғона — 4—29—44.

Б. — 176. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри ИНДЕКС 64697. Р. 03566.